Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 28 НОЯБРЬ, ШАНБА

№ 98 (6594).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Бозор иқтисодиёти ва мактаб

ИШБИЛАРМОН МАОРИФЧИЛАР

Янги иқтисодий шароитда мактаблар ҳам ўзи учун ўзи маблағ топиш йўлларини изламоқдалар. Буни Беруний шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли икки мактаб мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўз ишбилармонлари фаолияти билан маорифчилар тилига тушган 2-ўрта мактабда шаҳар меҳнаткашларининг 1370 нафар фарзандлари таълим-тарбия олмоқдалар. Уларга 115 ўқитувчи сабоқ бермоқда.

— Бозор иқтисоди шароити фаолиятимиз айрим йўналишларини янгича ташкил этишни ҳам тақозо қилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Ж. Машарипов. — Илм масканимиз жамоаси билан маслаҳатлашиб, мактаб ер участкасидан самаралироқ фойдаланиш йўлларини изладик. Ярим гектар майдонга полиз экинлари экиб, етиштирган маҳсулотни сотиб, дурустгина даромад қила бошладик. Баҳорда мактаб иссиқхонасига помидор уруғи сепиб, кўчат етиштирдик. Унинг бир қисмини ер участкамизга экдик, бир қисмини сотдик. Помидор ҳосили ҳам дуруст бўлди. Уни шаҳримиздаги болалар боғчаларига арзон баҳода етказиб бердик. 350 туп ток, мевали дарахтлардан ҳам талайгина ҳосил олдик. Бир қисмини мактабимиз ошхонасига бердик, бир қисмини боғчаларга арзон баҳода пулладик. 3 сотих ерга экилган супургидан ҳам олган даромадимиз анчагина бўлди. Ҳуллас, 1991 йилда 2700 сўм даромад олинган бўлса, бу йил 10.000 сўмдан ошади. Гулчилик ишларини ҳам юргазиб юбордик. Ҳозир 2 минг тупдан ортиқ уйда парвариш қилинадиган гулимиз бор.

— Олинган даромадлар нималарга сарф бўляпти?

— Даромадлар ҳисобидан бу ишларда иштирок этаётган ўқувчи ва ўқитувчилар рағбатлантириляпти. Қўшимча синфхоналар қуришга, ўқув хоналарини жиҳозлашга сарф этиляпти. Яқин вақт ичида 429 ўринли қўшимча синф хоналари ва спорт зали қуришни мўлжаллаяпмиз.

Беруний шаҳридаги яна бир илм маскани — Ленин номли ўрта мактабда ҳам ишбилармонлик вазияти ҳукм сураётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мактаб директори Холбой Жумоқовнинг айтишича, ҳозир давлат банкида мактабнинг 199 рақамли ўз ҳисоби мавжуд. Аввало шуни таъкидлаш керакки, бу мактабнинг бир ярим гектар ер майдони бор. Ўқувчи ва ўқитувчилар ундан унумли фойдаланиб келишяпти. Даромад олиш манбаини вужудга келтириш ўқувчилар ўртасида «данак операцияси»ни ўтказишдан бошланди. Тўпланган данаклар ер участкасига экилиб, 10 минг туп кўчат етиштирилди. Ортиқча кўчатлар «Правда» жамоа хўжалигига сотилди. Ундан тушган пул мактаб биноси таъмирига сарфланди.

Мевали дарахт кўчатларини пайвандлашга ҳам катта эътибор бериляпти. Чунки пайвандланган кўчатларнинг бозори чаққон бўлади. Бу ишда ўқитувчилардан Зарип Қаландаров, Комил Исанов, Роман Сафарбоев, боғбон Султон Комилов, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Баҳром Хўжаниёзовларнинг ҳиссаси каттадир.

Мазкур мактабда иссиқхона ҳам ташкил қилинган. Қиш фаслида ер иссиқхонасидан фойдаланиб, помидор, мурч, бақлажон уруғлари сепилиб, кўчат етиштирилди. Уларнинг бир қисми бозорга олиб чиқиб сотилди, бир қисми эса мактаб ер участкасига экилди. Мактаб ер участкасида етиштирилган маҳсулотлар, яъни сабзи, помидор, қалампир, бақлажон ўқитувчиларга арзон нархда сотилди.

Мактаб зиёкорлари даромад топишнинг бошқа манбаларидан ҳам фойдаланишяпти. Жумладан, қуён парвариш қилиняпти. Дастлабки пайтда 3 та қуён бор эди, ҳозир уларнинг сони 50 тага етди. Қуёнчилик тўғараги аъзолари ўз ишларини янада ривожлантириш чора-тадбирларини кўришяпти.

— Тушган маблағларнинг ҳисоб-китобини, уни сарфлашни мактаб касаба уюшмаси ташкилоти ва унинг котиби амалга ошираётир, — дейди мактаб директори Х. Жумоқов. — 1990-91 ўқув йилида 7 минг сўм, 1991-92 ўқув йилида 10 минг сўм соф фойда олдик. Мактабни ҳар йили таъмирлашга, аълочи ўқувчиларнинг стипендиясига, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига, уруш ва меҳнат фахрийларига ёрдам учун пул ажратиш ана шу жамғарма ҳисобидан бўляпти. Бу борадаги ишларимизни янада ривожлантириш учун қатъий ахд қилганмиз.

Ҳа, тадбиркорлик, ташаббускорлик ва фидойилик бор жойдагина бозор иқтисоди шароитида мактаблар ҳам даромадгир бўлиши мумкин. Ишбилармонлик билан олинган даромад эса мактабларнинг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлаш билан биргаликда, энг муҳими, ўқувчиларни ҳам хўжалик юритиш усулларини ўрганишга, ишбилармонликка чорлайди. Келгусида эса бундан бутун жамият ютади.

Ғойиб ЕҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Шу кунларда мактабларнинг педагогик жамоалари таълим ишини замон талаблари даражасида қайта қуриш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқаётирлар. Зотан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида таъкидланганидек, «Таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади, у республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди».

Тошкент шаҳридаги 81-ўрта мактабнинг педагогик жамоаси ўқувчиларга фан асосларидан чуқур билим бериш, ёшларни меҳнатсеварлик ва ота-боболарнинг илғор анъаналари руҳида тарбиялаш юзасидан муайян тажрибага эга. Мактаб методика кабинетида ўқитувчилар учун зарур қўлланмалар тўпланган. У ерда илғор иш тажрибалари кенг оммалаштирилади. Буни вақтивақти билан янгилаб туриладиган стендларда ҳам яққол кўриш мумкин. Ушбу суратда мактаб ўқитувчиларидан К. Мадраимов, О. Нурхўжаев, Л. Акбарова, Н. Юнусова, М. Исамуҳамедова, М. Абдуллаевалар акс эттирилган.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

ТАЖРИБА ОММАЛАШТИРИЛАДИ

— Район халқ таълими бўлими инспектор-методисти, Ўзбекистон армияси капитани Акрамжон Умаровнинг азбаройин куюнчаклиги туфайли қўл жанги бўйича вилоят семинари 1990 йилдаёқ Бағдод районида ўтказилди, — дейди вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти чақирилувчи ёшлар кабинетининг мудири майор Зокиржон Исҳоқов.— У ёшларни Ватанга ҳар томонлама соғлом ва чиниққан қилиб тарбиялашга катта эътибор бериб, шу соҳани ривожлантирянти.

Районда бўлганимизда Акрамжон Умаровнинг ҳарбий таълим соҳасидаги баъзи бир ишлари билан танишдик. У жиҳозлаган ҳарбий таълим кабинети райондаги барча мактаблар ҳарбий таълим ўқитувчилари учун андоза ролини ўйнамоқда. У ҳарбий таълим ўқитувчиларини ўз ишларига талабчан бўлишларига аҳамият беради. Ҳар ойда икки марта уларнинг йиғилишини ўтказади. Бир марта методик томондан маслаҳатлашиб олинса, иккинчи марта қўл жанги бўйича бажариладиган машқларнинг янги усуллари амалда кўрсатилади.

Қўл жанги бўйича метод бирлашма бошлиғи бу курашга махсус одамларни тайёрлаган. 24-мактаб ўқитувчиси Аҳмадали Пўлатов билан 16-мактаб ўқитувчиси Нурмуҳаммад Кенжаев нафақат районда, балки вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти курсларида ҳам қўл жанги усуллари тўғрисида методик маслаҳатлар бериб келмоқдалар.

Бу илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари очиқ дарслар, кабинетларни жиҳозлаш, альбомлар чиқариш, семинарлар ўтказиш йўли билан оммалаштирилмоқда.

Илғор тажрибаларни ёйиш, ўрганиш, оммалаштириш туфайли районда илғор ўқитувчилар сафи кенгайиб бормоқда. 17-мактаб ўқитувчиси Александр Николаевич Игнатов ва 37-мактаб ҳарбий таълим ўқитувчиси Мурод Абдурахмоновлар шулар жумласидандир.

Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти чақирилувчи ёшлар кабинети Акрамжон Умаровнинг шу соҳада олиб бораётган ишларини ўрганиб, плакат тарзида оммалаштиришни лозим топди.

Д. АБДУРАҲМОНОВ,
Фарғона вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш кабинети мудири.

МУНОСИБ ТУҲФА

Яқинда Қашқадарё вилоятидаги Китоб районига қарашли Навоий номли давлат хўжалигининг Севад қишлоғида 844 ўқувчига мўлжалланган 3 қаватли ҳамма қулайликларга эга бўлган Нодира номли 40-ўрта мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Янги мактаб синф хоналари замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Мактабда 800 га яқин ўқувчи бўлиб, уларга 67 ўқитувчи фан сирларини ўргатмоқда.

С. ЗАИНИДДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ, ЭЪТИҚОД ВА ДИЁНАТ

МУЛОҲАЗА ВА НУҚТАИ-НАЗАР

Республикамиз кечагина ўзининг миллий мустақилликка эришган куннинг бир йиллигини катта тантаналар билан нишонлади. Бу кун эндиликда миллий байрамимиз сифатида тарихга кирди ва ҳар йили намойиш қилинади.

Аммо биринчи тантаналар ниҳоятда мураккаб социал-иқтисодий ва сиёсий оғир бир вазиятда ўтган эди. Яқиндагина тинч-тотув, тўқ ва фаровон яшаб келган қудратли Совет Иттифоқи бир зумда емирилиб инқирозга юз тутди. Жаҳонни ҳайратда қолдирган ажойиб мамлакат парчаланиб, бирдан иқтисодий ва ижтимоий тушкунлик, қашшоқлик ва ахлоқсизлик, ёвузлик ва зўравонлик, турли тўқнашувлар ва ҳатто қон тўкишлар пайдо бўлганлиги ҳаммамизни гаранг қилиб қўймоқда. Биз ғурурланиб юрган «зўр» жамиятимиз эндиликда бепоён денгизда дарғасиз ва компассиз кетаётган кемага ўхшаб қолди.

Халқимизнинг қадимий бир доно иборасида «ноумид шайтон» дейилади. Мана бир йиллик истиқлол ҳаётимиз дастлабки ижобий куртакларини намоён қилди. Мустақил Республикамизни жаҳондаги кўплаб давлатлар тан олди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди, пойтахтимизда чет эл элчихоналари пайдо бўлди. Ўнлаб ажнабий сармоядорлар, фирма ва ташкилотлар билан биргаликда йирик корхоналар қуришга киришилди. Бундай корхоналар кенг халқ истеъмол молларидан ташқари, замонавий техника воситалари, чунончи, енгил автомобиллар ва автобуслар, телевизорлар ва совутгичлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқаларни етказиб беради. Бозор нархи тўхтовсиз кўтариб бораётган бир пайтда ҳукуматимиз пенсионер, ногирон, кўпболалиларни, ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларни ҳимоя қилиш мақсадида бир неча тадбирларни амалга оширди. Мустақил республикамизнинг асосий қонуни — Конституциясининг лойиҳаси ҳам (янги таҳрирдаги лойиҳаси ҳам) эълон қилинди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Албатта, бундай ниҳоятда мураккаб ва оғир бир шароитда тараққиёт кутилмаган томонга йўналиши, ўйланмаган социал оқибатлар яратиши мумкин. Бундай зўр ижтимоий оқимнинг қудратли тўлқинида халқимизнинг ва ҳар бир шахс фуқаронинг иродаси, сабр-тоқати, кучи ва ақл-идроки катта синовдан ўтади. Омма қанча донолик ва ақл-заковат билан иш тутмасин, унинг умид-орзулари, эътиқоди, диёнати ва ишончини инобатга олиб, уни оқлайдиган сиёсат ва амалий тадбирлар ўз вақтида бажарилмасин, уларнинг моҳиятини инсон онги ва қалбига етказилмаса, албатта, социал ва сиёсий зиддиятлар юз бериши мумкин. Катта сиёсатда буни доимо инобатга олиш зарур.

Афсуски, бундай зўр жараённинг кўпигида хатарли чиқиндилар ҳам қалқиб чиқа бошлади ва айрим пайтларда улар ёвуз ниятларига етиш учун ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Ачинарли томони шуки, сиёсатда ва амалий фаолиятда бизлар ё ўнг, ё сўлга чекиниб, ўзимизни ўзимиз қоралаб, тарихни сохталаштира бошладик. Наҳотки, етмиш йил давомида ҳеч қандай ютуқларга эришмадик, кечаги кунимизни бутунлай унутиб, фақат қанча қурбонлар билан қўлга киритилган халқимизнинг буюк ғалабаларини бир гуруҳ қонунбузар ёвуз ҳукмдорнинг хатосини рўкач қилиб, тарихий ютуқларимизни ўчириб ташласак? Ўзбек элида «Агар чўпондан чиқиб подшо бўлсанг ҳам, уйнинг тўрига чориғингни осиб қўй» деган ибора бор. Бунинг маъноси кимлигингни ҳеч вақт унутма деганидир.

Қайсар далилларга мурожаат қилсак, тарих ҳисобида етмиш йил бир дақиқага ҳам тенг келмайди. Лекин шу ўн йилликлар Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи учун буюк ўзгаришлар, катта ютуқлар даври бўлди. Тўғри, жуда катта қурбонлар ва чексиз қийинчиликлар эвазига эришилган ғалабаларнинг мевасидан кенг халқ оммаси тўла фойдалана олмади, унинг лаззатини бир гуруҳ мансабпараст, беҳаҳм ҳукмдорлар ва ажнабий мустамлакачилар кўрди. Аммо ҳеч вақт нонкўрлик қилмай, ким эдик ва ким бўлдик, кечагина феодал-патриархал тузуми исканжасидан қутилган ўзбек дастлаб ўз қора меҳнати, пешона тери ва истеъдоди туфайли жаҳондаги тараққий қилган миллатлар даражасига совет даврида эришганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Бизнинг фикримизча, Конституциямизнинг муқаддимасига қисқача мазмунли қилиб халқимиз босиб ўтган совет даври тарихи йўлининг объектив равишда айрим фожиали саҳифаларини, унинг қўлга киритган машаққатли ютуқларини, олий мақсад ва «порлоқ келажак» учун берилган минглаб қурбонларини хотирлаб бир лавҳа киритилса, барча фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ўз халқи, республикаси олдидаги бурчини, масъулиятни билиб олишига ёрдам берарди.

Ҳозир аёвсиз қора бўёқлар билан чапланиб келаётган марксча-ленинча таълимотнинг асл мазмуни яхши эзгу ниятларга қаратилганлиги, миллионлаб кишиларнинг эътиқоди ва имонига айланиб, бунёдкорлик ва ижодий фаолиятга чорлаб, муҳим омил бўлганлигини ҳам бутунлай ўчириб бўлмайди. Шубҳасиз, мазкур таълимот айрим ёвуз шахслар учун ўзларининг паст ниятларини амалга оширишда, наинки бир байроқ, балки ниқоб бўлди ҳам. Бу ниқобни фош қила олмаган, аммо инсон сўзига доимо ҳалол ишонадиган халқимизнинг айби нимада? Шубҳасиз, бу таълимот ҳам кўр-кўрона итоатгўйликка чорлаб келган янги диний эътиқодга айланган эди. Уни янги ақидалар даражасига кўтариб, миллионларнинг онги ва қалбига сингдириб, деярлик бир аср давомида чалғитиб келган шахслар раҳбарлигида Ватан учун, «порлоқ келажак» учун минглаб қурбонлар келтирган пок эҳтиёжкаш халқимиз айбдорми? Тарихий қисқа даврнинг ичида янги бир жамият (уни социализм ёки коммунизм деб атаймизми ёки яна бир «изм»ни топиб айтамизми) халқ фаровонлиги учун курашиб, унга энди мустаҳкам пойдевор қўйдик, десак, «қайта қуриш, демократия, ошкоралик» каби янги ғоялар туфайли қисқа муддат ичида бутун бир иморатнинг пойдевори билан емириб, ҳалигача биз лойиҳаси ҳам йўқ иморатни қуришга уриняпмиз. Бугун собиқ Иттифоқимиздаги барча республикалар бу ишда на мафкуравий, на маънавий, на ғоявий аниқ бир воситага эга эмаслар. Фақат диний руҳдаги жамиятни қуриш ва уни асосий мақсад қилиб олиш етарли эмаслигини тарих тажрибаси ва ҳозирги жаҳон тараққиёти исботлаб берди ва бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

Дилором Обидова ёшлик чоғиданоқ китобга, адабиётга меҳр қўйган эди. У шу туфайли она тили ва адабиёт ўқитувчиси касбини эгаллади. Ҳозирги кунда Дилором Обидова ўзидаги адабиётга, шеъриятга бўлган муҳаббатини ўз талабаларига сингдирмоқда.

Дилором Обидова адабиёт дарсларини пухта тайёргарлик билан олиб боради. Дарс мавзусини ўқувчиларга чуқур сингдириш маҳорати туфайли болалар унинг дарсларини мароқ билан тинглашади. Дилором опа шеър ўқиганида синфда пашша учса эшитилади. Сиз кўриб турган суратда Д. Обидова 9-синфда адабий асар матнини ифодали ўқиётгани акс эттирилган.

Суратқаш А. ЧАПЛИГИНА.

«ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН — АМАЛДА!

ЯНГИ НОМ БИЛАН ЮРИТИЛАДИГАН БЎЛДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти И. А. Каримов ўз маърузаларидан бирида шундай деганди: «Бу тупроқда улуғ бобокалонларимиз ҳоки ётибди. Шу заминда ўтганлар ва шу заминни қўмсаб, унга етолмаганлар руҳи покларига бош эгамиз. Отаболаримизнинг руҳлари бизнинг Ватанимиз учун қилаётган хизматларимиздан доим шод бўлсин!».

Ҳа, дарҳақиқат, ўтганларни хотирлаш, улар ёдини эъзозлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси ҳузуридаги жой номларини белгиловчи ҳамда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун амалиётини пойтахт бўйича назорат қилувчи Атамалар комиссияси бу борада қатор ишларни амалга оширди ва оширмоқда. Чунончи, комиссия ўзининг уч йиллик фаолияти даврида пойтахтдаги беш юздан ортиқ кўчалар, мавзелар, даҳалар, юздан ортиқ мактаблар, ўнлаб маданият ва истироҳат боғлари, майдонлар, кинотеатрлар, метро бекатлари номини халқ ва қонун талаби асосида ўзгартирди, номсизларига эса ном берди. Эндиликда пойтахтимиздаги биноларнинг пештоқида Аҳмад Югнакий, Жалолиддин Мангуберди, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро каби улуғ зотлар; «Қушбеги», «Қашқар», «Фарғона йўли», «Чорсу», «Буюк ипак йўли», «Турон» каби тарихий атамаларни кўриш мумкин.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков имзо чеккан қарор билан шаҳримиздаги яна бир қанча илм маскани ва болалар мусиқа мактаблари янги ном билан юритиладиган бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, комиссия ташаббуси ва масъуллиги билан «Интердизайн» кичик корхонаси ҳамда «Меҳнат» нашриёти ҳамкорлигида кейинги уч йил давомида номи ўзгарган ҳудудлар ҳақида маълумотнома (ўзбекча-русча) тайёрланиб, чоп этилди. Қисқаси, буларнинг барчаси, энг аввало, ўзликни таниш шарофатидир.

Дилмурод САИДОВ,
комиссия масъул котиби.

«НАМУНА»ДАН ЎҚУВЧИЛАР МАМНУН

Андижондаги Ҳокан қишлоғи марказида жойлашган «Намуна» савдо-саноат кооператив бирлашмаси вилоятдаги энг кўп тармоқли корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда болалар, ўсмир ёшдагилар учун ички, устки, оёқ кийимлар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларнинг бежиримлиги, сифатлилиги, нархи арзонлиги туфайли бирлашма тез орада вилоятдаги энг бой корхоналардан бирига айланиб қолди. «Намуна» бирлашмаси олинаётган даромадларнинг бир қисмини ўз ишчи-хизматчиларининг моддий манфаатдорлигига сарфлаётган бўлса, маълум қисмини қўшимча корхона, цехлар қуришга сарфламоқда.

Шу йилнинг бошидан «Намуна» олаётган даромадидан ҳар ойда Ҳокан қишлоқ кенгаши ҳудудидаги 23, 40, 41, 44-ўрта мактабларга ҳам сарфламоқда. Жумладан, ҳар ойда ҳар бир мактабга 1,5 минг сўмдан пул бермоқда. Бу пулнинг минг сўми энг яхши, жамоатчи, жонкуяр, тиришқоқ, ўз касбининг моҳир устаси бўлган ўқитувчига, 500 сўми эса намунали хулқи, аъло ўқиши, мактаб ҳаётида фаол иштирок этиши билан ажралиб турган ўн нафар ўқувчига 50 сўмдан мукофот тариқасида берилмоқда.

Булардан ташқари, «Намуна» савдо-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар бир мактабдан бу йил биттадан аълочи, жамоатчи, намунали хулқли, оилавий шароити қийин бўлган ўқувчини хоҳлаган олий ўқув юртига киритиб қўйиш ва бу ўқувчиларнинг олий ўқув юртидаги ўқиш даврида бўладиган барча сарф-харажатларини ўз зиммасига олмоқчи.

— Мақсадимиз мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, ўқув-тарбия ишларидаги муаммоларни биргаликда ечишдир, — дейди бирлашманинг раиси Зокиржон Иброҳимов.

Бирлашманинг бундай туҳфасидан ўқитувчи ва ўқувчилар мамнун бўлишмоқда.

А. БУЗРУКОВ.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ, ЭЪТИҚОД ВА ДИЁНАТ

[Боши 1-бетда].

Ўтмишда ва ҳозир ҳам маънавий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисоблаган динимизнинг, албатта, ҳулқ-атворимизга, анъанавий турмуш тарзимизни мустаҳкамлашда хизмати катта. Аммо катта сиёсат, давлат ишларида замонавий халқаро муносабатларни самарли бошқаришда умуминсоний дунёвий қонун-қоидаларга риоя қилиш давр талабидир. Шунинг учун, янги Конституция лойиҳасидаги 30-моддада (янги таҳрирдаги лойиҳада 31-моддада): **«...Ҳар бир инсон виждон эркинлиги ҳуқуқига, хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга»...,** деб ёзилиши жуда ўринли ва замонавий руҳдаги қоидадир. Афсуски, кейинги вақтларда деярлик барча тараққий этган мамлакатлар амал қилаётган «Виждон эркинлиги» қонунига мазкур лойиҳадаги моддага зид ҳолда ички ҳаётимизда бир томонлама хатти-ҳаракатлар намоён бўлмоқда. Бундай ҳолат маънавий бойлигимизнинг муҳим соҳаси ислом байроғи остида ўз ёвуз ниятларини амалга оширишга интилаётган айрим шахсларга жуда қўл келмоқда. Ҳатто Ўрта асрларда Шарқ ренессанси, яъни уйғониш даврида ҳам «қўшалоқ ҳақиқат» назарияси кашф этилиб, дин ўзича ҳақ, фан ва сиёсат ўзича ҳақ эканлигини буюк мутафаккирлар исботлаб берган ва унга ўша даврдаги давлат ва диний арбоблар амал қилганлар. Бизнинг фикримизча, 58-модда (янги таҳрирдаги лойиҳада 60-модда) матнига қўшимча **«Дин ҳам давлат, сиёсат ва илм-маърифат ишларига аралашмайди»,** деб ёзилса, виждонан мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бизда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ҳаммага — ҳукумат идоралари, диний ташкилотлар ва барча фуқароларга тааллуқли. Унга ҳаммамиз ҳурмат ва дид билан амал қилишимиз зарур. Бутун эл-юрт бу Қонунни шунчаки хўжакўрсинга эмас, балки чуқур ўрганиб юраги билан ҳис этса ва меҳри билан тўғри англаб олса, ўлкамизда осойишталик ва тинчлик бўлиши шубҳасиз. Чунки тарих синовидан ўтган виждон эркинлиги қонунига тўла риоя қилиш кенг омма билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни меҳр ва ҳурмат билан намоён бўлишига хизмат қилади. Бунга жумҳуриятимизда сўнгги йилларда динга ва диндорларга нечоғлик катта эътибор берилаётганлиги ёрқин далил бўла олади.

Минг афсуски, шундай бир ажойиб даврда асрлар давомида инсон орзу қилган виждон эркинлиги ҳар томонлама ҳимоя қилинаётган бир вақтда айрим «илоҳиётчилар» ва дайди руҳонийлар мазкур қонунга тўла риоя қилмасдан, ҳатто жумҳуриятимизнинг Асосий қонуни (Конституция)га зид ҳолда ғайри тарғиботлар ҳам юргизмоқдалар, бошқа дунёқарашга ёки диний эътиқодга эга бўлмаган кишиларга қарши ҳар хил ноқонуний ҳаракатларга ундамоқдалар. Конституция лойиҳаси 18-моддасида: **«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар...»,** деб жуда ҳам ўринли таърифланган. Лойиҳада ҳар ким фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга ва бу эркинлик Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади, деб қайд этилган (13 ва 29-моддалар). Афсуски, кейинги пайтларда мустақил фан соҳаси ҳисобланган атеизм ва ҳурфикрлилик гўёки бир даҳшатли ғоя сифатида ҳурқонғич воситага айланиб, айрим пайтларда кишини ҳадиксиратадиган бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолат ҳозирги бизнинг ички сиёсатимизга, умуман, демократик тузумга ва тараққиётимизга мутлақо қарши ва кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам элимизда тинчлик, осойишталик, ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида барча қонун-қоидалар амалга оширилиши зарур. Республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласида одилона кўрсатилганидек, барча фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун муқаддас бурчи «ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтиришдан» иборатдир.

Хурофот ва нодонлик доимо халқ оммаси бошига оғир фожиа ва мусибатлар келтирган. Қасоскорлик инсон табиатига зид ҳолда доимо фожиаликка сабаб бўлган. Шунинг учун нафақат ҳукумат идоралари ва матбуот ходимлари, балки илғор зиёлилар аҳли дин ва диндорлар орасида виждон эркинлиги қонуни тўғри ва ҳақ, унинг Конституция моддасига киритилиши табиий эканлигини тушунтириб, тарғиб қилиши шарт. Ислом динининг моҳияти ва тарихий аҳамияти тўғрисида энг тўғри ва ҳаққоний фикрларнинг ўзи ҳам асли илмий исломшунослик фани туфайли, айниқса, Совет даврида қўлга киритилганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Бу ютуқлар нафақат Шарқда, балки бутун жаҳондаги истеъдодли шарқшунос тадқиқотчиларнинг бир неча асрлик меҳнатининг самарасидир. Илмий диншуносликка кейинги пайтларда ёғдирилаётган баъзи туҳматлар, иғво ва таҳқирлар фақат нодонлик ва хурофотлик оқибатидир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бутун жаҳон тараққиётида ислом динининг мавқеи ва роли кучайиб, кенг омманинг диққатини ўзига жалб қилаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Ҳозир Ер курраси аҳолисининг бешдан бир қисмидан кўпи мусулмон бўлиб, бу рақам кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳеч бир қитъа йўқки, у ерда мусулмон бўлмасин! Ҳатто энг йирик ва тараққий қилган мамлакатларда ҳам ислом динига ўтишга интилаётганларни учратиш мумкин. Америка ва Япония, Австралия ва Ғарбий Европада ҳам христианлик, синтоизм ёки бошқа маҳаллий динлардан кечиб исломга ўтиш жараёни рўй бермоқда. Бундай ҳодиса, айниқса, Африка қитъасида тез суръатлар билан намоён бўлмоқда. Асли жаҳоннинг 120 давлатида ислом ҳукмрон дин сифатида аён бўлса, 22 мамлакатда у давлат дини ҳисобланади. Аммо ҳаммасида ҳам ислом дини бир мавқега эга эмас. Айрим мамлакатларда, масалан, Ливан ва Исроилда, диний низолар ва таҳқирлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Эрон, Ироқ, Жазоир, Афғонистон ва Покистонда, ҳатто Европадаги ривожланган Югославияда ҳам бундай низолар жиддий қонли тўқнашуваларга сабаб бўлмоқда.

Ҳурматли муфтиимиз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Солом ва унинг муқаддас китоби асосида ўзаро яқин муносабатда бўлишга интилиб келмоқдалар. Бунинг бош омили исломнинг умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлантириб, адолат, инсонпарварлик, одоб-икромлик, биродарлик, озодлик, ҳалоллик каби фазилатларни ақидавий даражага кўтарганлигида десак бўлади. Бунга Қуръон суралари ва ҳадисларда баён этилган ривоятлар ва қонун-қоидалар далил бўла олади. Илк ислом ўзининг демократик ва гуманистик ғоялари билан кенг оммани ўзига жалб қилиб келган. Қуръонда айтилганидек, камбағалларга, етим-есирларга ва қариялар-га раҳм-шафқатлик, ғамхўрлик қилиш мусулмончиликнинг белгиси ҳисобланади.

Жаҳон тараққиётига ислом таъсирининг кучайиши унинг умуминсоний қадриятларини ифодалашигагина эмас, ўзининг оддийлиги, ақида ва маросимларнинг таъсирчанлиги, аҳолининг маиший турмушига мос келиши билан ҳам боғлиқ. Ҳозирги мураккаб нотинч ва ташвишли замонда элатлар ва кишилар орасидаги муносабатда руҳий тушкунлиқ ҳазратлари тўғри қайд қилганларидек, мазкур фожиали тўқнашувларга асосан ғаразгўйлик, манфаатдорлик, ёвуз ниятлик ҳаракатлар сабаб бўлмоқда. «Тажрибада собит бўлдики, — дейди у яқинда матбуотда эълон қилинган суҳбатида, — шундоқ фитналарга қандайдир ўзини билмаган шахс ёки гуруҳнинг ўз манфаати, ғарази йўлида уюштирган сўзи ёки хаттиҳаракати сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳар биримиз юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилмоғимиз лозим...». Муҳаммад Алайҳи салом айтганларидек: «Ухлаб ётган фитнани уйғотганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин». Барча мусулмонлар номидан муфтий ҳазратлари Аллоҳдан фитна қўзишидан сақлашни сўрайди.

Минг шукрки, кўпчилик мусулмон мамлакатларда, жумладан, бизнинг республикада осойишталик, тинчлик ва ҳамкорлик ҳукм сурмоқда.

Турли ирқ ва тилдаги ҳар хил анъана ва маданиятли, ижтимоий тузум даражаси хилма-хил элат ва халқлар исталик, умидсизлик, бевафолик ва ишончсизлик, хафачилик ва ҳатто қўрқинч каби туйғу-ҳиссиётларнинг пайдо бўлиши инсоннинг аламини кучайтириб, мадад ахтаришга ундайди. Бундай ҳолат айни пайтда оғир мусибатни бошидан кечираётган собиқ Совет Иттифоқида яшаган ўлкаларнинг 70 миллионли мусулмонлар ҳаётида, айниқса, намоён бўлмоқда.

Минг шукрки, истеъдодли ва эсли, оқ-қорани танийдиган меҳнатсевар халқимиз юксак маданий савияга эришган. У ҳақ ва ноҳақ, яхши ва ёмоннинг фарқига бора олади. Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги мураккаб замонда, юқорида айтилганидек, одил ва пок халқимизнинг ишончидан фойдаланиб, уни ҳақ йўлдан чалғитишга чорлаётган ёвуз ниятли шахслар ҳам кам эмас. Айниқса, пойтахтимизда ва вилоятлар марказида кейинги йилларда девона ва тиланчиларнинг кўпайиши, уларнинг дин ниқобида турли-туман хурофий ташвиқотлар билан халқимизнинг онгини, пок қалбини лойқалаштириб, маънавий қашшоқлик йўлига олиб чиқиши мумкинлигини ўйласак, жуда ҳам ачинарли ҳолатга тушади киши. Муфтий ҳазратлари айтганларидек, «йўқ ердагини йўндириб беозор ва беғубор художўйлардан сиёсатдонлар ясаб, тиниқ сувни лойқалатиб балиқ овламоқчи бўлаётган қалбан ва имонан номукаммал кимсалар» борки, уларни ҳеч вақт қўллаб-қувватламаслигимиз керак. Шунинг учун, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 30-моддасига қўшимча қилиб, **«Ҳеч ким ўз шахсий манфаатида диндан фойдаланишга ҳаққи йўқ»,** деб ёзиш лозим.

Ўзбекистонимизнинг чинакам порлоқ келажагини ўйласак, янги Асосий қонун (Конституция)га таяниб, халқимизнинг маданий ва маънавий ҳаётига, айниқса, давримизнинг қудратли кучига айланган фан ва техника тараққиётига, маърифатнинг барча соҳаларига ниҳоятда катта эътибор беришимиз, уни моддий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Жажжилар дунёқараши кенгайишида улар боғчада тарбиячи опаларидан тинглаган эртаклар ҳам асосий ўрин тутади. Косонсой районидаги 7-болалар боғчаси тарбиячиси Муҳаббат Аҳмадалиеванинг яхшилик улуғланиб, ёмонлик қораланадиган қизиқарли ҳикоялари ҳам шу мақсадга йўналтирилган.

ТАСВИРДА: М. Аҳмадалиева тарбияланувчилар билан.

А. МЕЛИЕВ сурати.

Ўқитувчилар сулоласи ҳақида ҳикоялар

САРБОН

Илгарилари ота-боболари касбини улуғлаб, улар йўлидан борган фарзандларни кўплаб учратардик. Бугунга келиб эса бу каби ҳолларни камдан-кам эшитамиз. Бунга кўпгина ёшларнинг меҳнатсиз даромад кетидан қувиб, муқим бир жойда ишламаётганликлари, касбга бўлган ҳақиқий муҳаббати, эътиқоди йўқлиги сабаб.

Мажидхон ака Баҳодировни Фирдавсий, Мирзо Юсуф маҳаллалари аҳли ҳурмат билан тилга олади. Маърифатли, юксак маданиятли, ўз соҳасининг билимдони бўлган бу инсон ҳаёт бўлганида ҳозир 90 ёшга кирарди.

Мажидхон ака 1921 йилдан 1935 йилгача ўрта мактабда ишлаб, илмий иш билан ҳам шуғулланиб, тупроқшунос олим бўлиб етишди. Қишлоқ хўжалиги институтнинг тупроқшунослик кафедрасида профессор лавозимида ҳам ишлади, ёшларга илм бериб келди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, арабшунос, тупроқшунос олим юзлаб ёшларга устозлик қилган, олимлар етиштирган. Шу боисдан ҳам ўғил-қизлари бу касбни ардоқлашга, эгаллашга интилган бўлса, ажаб эмас.

Ўғиллари Вадудхон Баҳодиров биринчи бўлиб ота касбини ихтиёр этди. 1950 йилда Тошкент педагогика институтининг биология куллиётини битириб, шу ерда ўқитувчилик фаолиятини бошлади.

Рауф Баҳодиров тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаб, шу ерда ишлаб келмоқда.

Кенжа фарзанди Роиқ Баҳодиров эса арабшунос олим.

Қизлари Нажиба ва Закия Баҳодировалар ҳам педагогика фанлари номзоди сифатида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Рашида Баҳодирова эса 22 йилдан бери 70-мактабда етакчи физика ўқитувчиси. Мактаб жамоаси, ота-оналар ўртасида обрўга эга муаллима.

Бу оиланинг яна бир ибратли томони шундаки, Мажидхон ака билан Ёқутхон аялар роппа-роса ярим аср иноқликда оилани бошқариб келишяпти. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, оиладаги иноқлик, ҳалоллик, бир-бирига ҳурмат-иззат, ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини юқори қўйишлик оила аъзоларига сингиб кетган. Қани энди ҳамма оилалар ҳам шундай маърифатли, ибратли бўлса...

С. СУЛТОНОВ.
Тошкент шаҳри.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ТИББИЁТ ХИЗМАТИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Республика соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Маҳмуджон Расулов ўзининг кириш сўзида аҳоли соғлиғи масалалари билан шуғулланиш, халқимизнинг соғлом бўлишини таъминлаш партиянинг ҳам муҳим дастурий мақсадларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Соғлом танда — соғлом ақл, деб бежиз айтилмаган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий, маънавий инқироздан қутқариш, унинг тараққий этган давлатлар қаторидан жой олишини, фуқароларимизнинг муносиб турмуш тарзини таъминлаш — бу вазифаларнинг биронтасини ҳам халқнинг саломатлигисиз амалга ошириш мумкин эмас. Бу эса ўз навбатида саломатлик посбонларига катта масъулият юклайди.

Учрашувда сўзга чиққан Республика Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, вазир муовини, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қ. Ризаев, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи М. Бекназарова, Республика соғлиқни сақлаш музейи директори А. Усмонхўжаев, Тошкент врачлар малакасини ошириш олий билимгоҳи ректори А. Раҳимжонов, 1-Тошкент тиббий олий билимгоҳи ректори Т. Даминов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Вазирлар маҳкамаси соғлиқни сақлаш масалаларига тобора кенгроқ эътибор бераётганликларини катта мамнуният билан қайд этдилар. Улар шифохоналарнинг меъёрий фаолиятини таъминлаш учун давлат томонидан баҳоли қудрат имкониятлар яратиб берилаётганлиги, тизим ходимларини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги учун миннатдорчилик билдирдилар.

Шифокорлар олдида турган энг катта муаммолардан бири — тиббий хизмат кўрсатиш савиясини тубдан яхшилаш масаласидир. Сон кетидан қувиш оқибатида касалхоналар ва поликлиникалардаги ўринлар, уларда ишлаётган врачларнинг умумий миқдори бўйича бизга тенг келадиган давлатлар дунёда кўп эмас. Лекин шифокорларнинг билими, малакаси, улар кўрсатаётган хизматларнинг сифати паст.

Шу муносабат билан хорижий тажриба асосида суғурта тиббий хизматни, шунингдек, ўзимиздаги соғлиқни сақлаш бепул тизимини яхшилаш билан бирга энг юқори талабларга жавоб берадиган пулли поликлиника ва касалхоналарни ҳам очиш, Тошкент шаҳрида шу соҳада қилинаётган яхши ишларни инобатга олиш лозим, деган фикрлар очиқ мулоқотда қайта-қайта айтилди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятида камчилик ва нуқсонларнинг кўплигини соҳа мутасаддилари ҳам очиқ айтмоқдалар. Боз устига тиббий билимларга эга бўлмаган экстрасенслар, табиблар, дуогўйлар, синалмаган дориларни кўчакўйда сотувчилар, кичик корхона ва ширкатлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ҳукуматнинг махсус қарори билан бундай бошбошдоқликка чек қўйилмаса, текширилмаган дори-дармонларни сотиш қатъиян ман этилмаса, бу нарсалар кишилар соғлиғига жиддий путур етказиши мумкин.

Кўпчилик сўзга чиққанларнинг фикрича, бозор иқтисодиётига ўтиш даври соғлиқни сақлаш тизими ходимлари олдига ҳам янги талаблар қўймоқда. Чунончи, шифокорлар ўртасида рақобат бўлишига, уларга хизматига қараб ҳақ тўланишига, беморларни яхши даволай олмаган врачлар ишсиз қолишига ғайритабиий бир ҳол деб қарамаслик керак. Чунки, тиббиётимизнинг савиясини ошириш зарурати шунга олиб келяпти.

Очиқ мулоқотда қатнашганларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ХДП фаолиятига, унинг халқимиз тинчлиги, юртимиз осойишталиги учун қилаётган саъй-ҳаракатларига хайрихоҳлик билдирдилар. Улар мазкур учрашув ҳам соғлиқни сақлаш тизими ишини яхшилаш, бунга Республикамиздаги етакчи партия эътиборини кучайтириш нуқтаи назаридан жуда фойдали бўлди, деб қайд этдилар.

С. ҚУРБОНОВ.

Олимнинг фикри

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ — ИШОНЧЛИ ТИЗИМ

Бугунги кунда деярли барча олий ўқув юртлари, айниқса, халқ таълими соҳасига кадрлар етказиб берувчи ўқув юртларининг аҳволи оғир бўлиб қолди. Бунга сабаб шуки, собиқ Иттифоқнинг педагогика олий ўқув юртларида таҳсил кўрган кўплаб талабалар «фақат олий маълумотли мутахассис деган диплом олсак бўлади» қабилида иш кўрдилар. Хўш, бозор иқтисодиёти даврида халқ таълими соҳасида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш учун нималар қилиш керак? Аввало, халқ таълими ишларининг барча жабҳаларини мукаммал биладиган, бозор талабларига тўлақонли жавоб берадиган, кучли рақобатга чидай оладиган мутахассислар тайёрлаш ҳаёт тақозосидир.

Халқ таълими муассасалари бундан кейин ўз фаолиятларини бозор иқтисоди шароитида олиб борар эканлар, табиийки, бу жараёнда ихтисосий бошқарувчи ўқитувчи ва тарбиячиларга зарурат туғилмоқда. Бундай заруратни ижобий ҳал қилишда республикада узлуксиз таълим тизимини жорий этиш лозимга ўхшайди.

Назаримда, узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш учун биринчи навбатда халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш, унинг иқтисодий таъминот йўлларини ишлаб чиқиш, режаларга асосланиб халқ таълими муассасаларининг илмий-ишлаб чиқариш савиясини оширишдан бошлаш керак. Уларнинг мутаносиб ривожланиш йўлларини белгилаб олиш лозим. Бу эса қуйидаги талаблар асосида янги таълим тизимини ташкил этишни тақозо қилади:

а) ўқувчиларга бериладиган таълимни универсаллаштириш, унинг заминини мустаҳкамлаш, биринчи навбатда ўқитилаётган фанларни шароитга мослаштириш;

б) таълимнинг муаммоли услубларидан фойдаланиш, ёшларни турли муаммоли масалаларни мустақил ҳал этишга тайёрлаш;

в) билимларни мустақил эгаллашга ўргатиш, кундалик ахборот ҳужжатларидан энг муҳимларини ажрата олиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш;

г) ёшларнинг олган билимларини, ҳосил қилган кўникма ва малакаларини амалда қўллай олишга ўргатиш;

д) таълимнинг ҳар бир шахс учун ўзига мос имконият яратадиган шакл ва турларини танлай олиш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун эса ўз навбатида давлат миқёсида ягона узлуксиз таълим тизимини жорий этиш, таълимнинг биринчи босқичини ўтаган ҳар бир шахсга унинг кейинги босқичларини ҳам ўташ учун барча имкониятларни яратиш лозим бўлади. Аммо бу тизимга ўтишдан олдин унинг назарий томонини тушуниш, узлуксиз таълим тизими йўриқномасини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Узлуксиз таълим тизими маъносини изоҳлашда унга бир тарафлама қарамаслик керак. Авваламбор, унинг мақсади, йўналиши, имкониятлари ҳамда истиқболларини аниқлаб олиш лозим. Бу масалани чуқур ўрганишдан аввал узлуксиз таълим тушунчасини халқ таълими тушунчасидан фарқлай олиш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англаб етиш зарурати туғилади.

Маълумки, халқ таълими тизимига асосан мактабгача тарбия тармоқлари, мактабларнинг барча турлари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, ҳунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, аспирантура, докторантура кабилар киради. Бу тармоқларда республикамиз ҳудудида яшовчи барча халқлар, миллати, ёши, жинси, ирқи, дини ва социал аҳволидан қатъи назар, илм олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ўқув-тарбия тармоқлари ижтимоий ва давлат характерига эга бўлиб, халқлар хоҳлаган тилларида илм оладилар. Халқ таълими тизимида таълим ва тарбиянинг бирлиги, ҳаётийлиги, ўқитишнинг илмийлиги каби қонуниятларга амал қилинади.

Узлуксиз таълим тизимидаги барча қонуниятлар маълум бир мақсадга қаратилган таълим ва тарбиянинг бирлигидан иборатдир. Ўқитишни индивидуаллаштириш, унинг мазмунини ҳар доим янгилаб бориш, халқ таълими тизимининг барча бўғинларида ўқитишни ва ўз устида мустақил ишлашни яхши йўлга қўйиш узлуксиз таълимнинг самарадорлигини таъминлайди. Бундан ташқари, талабаларнинг касбга тайёргарлигини амалга оширишда инсоний қадриятлар асосида, аждодларимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги меросларидан ҳам фойдаланиш зарур.

Узлуксиз педагогик таълимнинг мақсади халқ таълими тизими мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар ҳар доим бир-бирига хизмат қилади. Халқ таълими тизимининг асосий мақсади талабаларнинг касбга тайёргарлик сифатини оширишдан иборатдир. Шу муносабат билан педагогика олийгоҳларида таълим-тарбия олаётган ёшларни тайёрлашнинг янги тизимини ишлаб чиқиш қаёт талаби бўлиб қолаётир.

Ҳозирги шароитда педагогика институтларида узлуксиз педагогик таълимнинг айрим турларини амалга ошириш учун биз тахминий ўқув режаси ва дастурини ишлаб чиқанмиз. Бу тажриба Тошкент шаҳар Юнусобод районидаги 103-мактабда, Шайҳонтоҳур районидаги 41-мактабда, Миробод районидаги 110-мактабда ҳамда педагогика билим юртларида олиб борилмоқда. Бундан ташқари, республикамизда халқ таълимининг янги бўғинлари — гимназиялар, лицейлар, коллежлар, иқтидорли болаларнинг мактаблари очилмоқда. Мазкур янги тур мактабларидаги олиб борилаётган тажрибалар шуни тасдиқламоқдаки, халқнинг, ота-оналарнинг бу мактабларга бўлган қизиқиши янада ортмоқда. Сабаби — бу ерда бола малакали мутахассислар қўлида чуқур ва сифатли билим олаётир. Ўқитувчи ва ўқувчилар, кенг жамоатчилик билан олиб бораётган суҳбатларимизнинг таҳлили фикримизни исботламоқда.

1992 — 1993 ўқув йилида бошланғич таълим педагогикаси кафедраси томонидан ганлов асосида ташкил қилинган педагогик синфларнинг битирувчилари — 25 кишидан 16 ўқувчи педагогика институтига ўқишга кирди. Бу рақам шу нарсадан далолат беради, педагогик синфлар, коллежлар, лицейлар тажрибада ўзини оқламоқда. Айни вақтда улар узлуксиз таълим тизимининг ҳаётийлигини исботламоқда.

1990 йилдан бошлаб бошланғич таълим методикаси бадиий графика ва мусиқа педагогикаси куллиётлари, руҳшунослик, одам анатомияси ва физиологияси, мактаб гигиенаси, ижтимоий кафедралар ҳамда хусусий методика кафедралари узлуксиз педагогик таълим орқали ўзларига иқтидорли, истеъдодли ёшларни танлаб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Халқ таълими вазирлиги ёрдами билан бошланғич таълим методикаси куллиётларида 3 йилга мўлжалланган таълим жорий қилинди.

Олиб борилган тажрибаларнинг натижаси шуни кўрсатдики, мазкур курсларда талабаларни 1-курсдан бошлаб илмий-тадқиқот ишларига ўргатиш, ўқув фанларини чуқур ўрганишни яхши йўлга қўйиш орқали 2 йиллик курсларга айлантириш мумкин. Уларни биринчи курслигидан бошлаб диплом ва бошқа илмий ишлар ёзишга ўргатишимиз керак. Бунинг учун эса талабаларни китоб устида ишлашга ўргатишимиз, педагогик илмий-тадқиқот методлари, илғор педагогларнинг иш тажрибалари билан таништиришимиз зарур. Мана шулар асосида уларни диплом ҳимоясига олиб чиқиш мумкин.

Маълумки, кейинги вақтларда ҳаётимизда юз берган ва бераётган жиддий ўзгаришлар, республика истиқболи турли касбга лаёқатли бўлган ёшларни тарбиялашни вазифа қилиб қўймоқда. Биз келажакда педагогик касбнинг жамиятдаги обрўйини янада ошириш мақсадида педагогика институтларига келувчи ёшларга чуқур билим бериш, уларда эътиқод, педагогик маҳоратни таркиб топтириш борасида бош қотирмоғимиз лозим. Бу муаммонинг ҳам ижобий ҳал қилиниши узлуксиз педагогик таълимни қандай йўлга қўйилишига боғлиқ. Бу борада узлуксиз педагогик таълимни бир неча босқичлар асосида амалга оширишни таклиф этаман.

Биринчи босқичда — педагогик касбни танлаган ёшлар ўқув юртларига суҳбат орқали қабул қилинса, яхши бўларди. Ўқишни асосан 10 — 11-синф ўқув дастури асосида олиб борилса ҳамда педагогика касбига йўлловчи фанлар ўқитилса.

Иккинчи босқичда — талабалар танлов асосида қабул қилиниб, уч йиллик ўқиш давомида асосан педагогика-психология ҳамда хусусий методикалар асосий фан сифатида ўқитилса. Бу уч йиллик курсларни тамомлаган ёшларга педагогик касби бўйича **бакалавр** даражаси берилса, маъқул бўларди. Бакалавр даражасини олган ёшлар мактабга бориб дарс бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

Учинчи босқичда — ўқиш асосан 2 йил давом этиб, бунда педагогик касбга чуқур қизиқадиган, истеъдодли, ўз тақдирини шу касбга боғлай оладиган ёшлар танлов асосида қабул қилингани маъқул. Бу босқичда улар педагогик илмий-тадқиқот методлари билан таништирилади, илғор педагогик тажрибалар, хусусий методикалар янада чуқур ўрганилади. Бу икки йиллик курсларни тамомлаган ёшларга педагогик касби бўйича **магистр** даражаси берилса.

Тўртинчи босқичда эса педагогик касбни илмий тадқиқотлар билан боғловчи иқтидорли ёшлар аспирантура ва докторантураларга қатъий танлов асосида қабул қилингани маъқул. Аспирантура ва докторантурада тадқиқ этиладиган қар бир муаммо ва унинг натижаси, албатта, халқ хўжалигига ва халқ таълимига хизмат қилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, узлуксиз таълим тизими асосида халқ таълимининг янги тизимини ишлаб чиқиш кераклигини ҳаёт талаб қилмоқда. Шу сабабли бу масалани тезлик билан ижобий томонга қал этиш, жаҳон бозорига шаҳдам қадам қўяётган озод Ўзбекистон халқ таълимининг гуллаб-яшнашида муҳим ўрин тутади.

Р. МАВЛОНОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг профессори.

(Муаллиф илтимосига биноан қалам ҳақи «Маърифат» жамғармасига ўтказилади).

Мулоҳаза

МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИКДАН ЎЗИНГ АСРА...

Ғалати даврда яшаяпмиз. Бир томонга қарасангиз, гўё эркинлик ва демократия тантана қилиб, ҳар ким ўз истаган фикрини очиқ-ойдин айта оладигандек, бошқа томондан эса қандайдир даҳшатли хавф-хатар бостириб келаётганга ўхшайди. Масалан, кўпчиликнинг оғзидан бир гапни тез-тез эшитиб қоламиз: «Очарчилик деган балога яна гирифтор бўлмасак эди!..». Йигирманчи-ўттизинчи йилларда бу даҳшатни бошидан кечирган шўрлик халқимизнинг ташвишида жон бор, албатта. Худо кўрсатмасин, қорин қайғуси бошга тушса, кўзга ҳеч нарса кўринмайди. Худди шу очарчиликни ўз бошидан кечирган юртдош шоиримиз Сирожиддин Маҳдум Сидқий Хондайлиқий: «...қурсоқинг таталаб турганда, кўзингга бу оламнинг жилвалари кўринмайдир...», деб ёзиб қолдирган экан.

Бошқа бир томондан эса кўнглимизнинг хотиржам тортишига ҳам асос бор. Халқимиз меҳнаткаш, қарамликдан озод бўлди, оқилона иш юритиб, топганини ўринли сарфлаб борса, ундай қора кунлар, шубҳасиз, бошимизга тушмайди.

Демак, очлик балосидан қутулиш мумкин экан. Аммо, менинг назаримда, яна бир даҳшатли фалокат бостириб келяптики, унинг оқибати очлик балосидан ҳам даҳшатлидир. Мен маънавий қашшоқлик хавфини кўзда тутяпман.

Йигирма олти йилдан буён ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериб келаман. Бу касбни танлашим ҳам ёшлигимданоқ азбаройи адабиётга қизиқишимдан бўлса керак. Мурғаклигимизда онамизнинг ширали овозда айтган алла ва эртаклари, мактабда эса адабиёт муаллимининг сеҳрли дарс ўтишлари бир умр қулоқларимда қолган. Адабиёт муаллимимиз Акром ака Туяқов ҳар бир дарсда бутун вужуди билан берилиб сўзлар, жами ўқувчиларни ўзига сеҳрлаб қўярди. Айниқса, менга ифодали ўқитишни хуш кўрарди. Хуллас, адабиёт дарсини бетоқатлик билан кутардик. Мен мактабда дарс беришни бошлабманки, шу табаррук муаллим каби ишлашга ҳаракат қиламан.

Гарчи нолиш муаллимларга ярашмайдиган бир одат бўлса-да, фақат бир ёқлама ҳаракатнинг ўзи билан иш битмас экан. Дилимни мудом ташвишга солиб келаётган бир нарсани шу ўринда ўртага қўймоқчиман. Чамаси, йилдан-йилга адабиёт ўқитиш қийинлашиб, маънавий қашшоқлик хуруж қилиб бораётганга ўхшайди. Бунинг исботи сифатида кун сайин дарс ўтишнинг қийинлашаётгани, бефарқ, тўпори ва тўполончи ўқувчилар сони эса ортиб кетаётганини очиқ айтиш мумкин. Нега шундай аҳвол содир бўляпти? Бунинг учун кимни айблаш мумкин? Ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам, бу саволга биргалашиб жавоб излаб кўрайлик.

Шу ўринда, аввало, бобокалонларимиздан ўтиб келган маънавий меросга бир назар солсак, кўп нарса ўзўзидан ойдинлашади. Дадаларимиз, буви ва буволаримиз орасидаги зукко кишилар дин илмидан хабардор бўлганлар. Дин илми деб аталса-да, улар кўркам адабиёт билан мукаммал танишар эканлар. Биз учун номлари қатағон қилинган Шарқнинг забардаст адиблари яратган гўзал асарларни улар ёд билишган, қўлларидан қўймай ўқишган. Шеърхонлик, достонхонлик, жозибалик мушоиралар қалби пок халқимизнинг узлуксиз ва севимли машғулоти бўлган.

Ҳаммамизга маълумки, Октябрь инқилоби деб номланган машъум воқеадан сўнг ўтмишдаги энг кўркам ва мазмунли маънавий меросларимиздан батамом маҳрум этилгандик. Бу йўналишдаги инқироз, албатта, шундан бошланган. Лекин, юқорида айтиб ўтганимдек, шу даврдан кейин ҳам қалбида ҳавас жўш урган муаллимлар бор эди-ку! Балки, бу қадимдан ўтиб келган мазмунли маънавий ҳаётнинг оқоласидир? Энди-чи? Наҳотки ҳаммасидан маҳрум бўлдик?

Ўзимча кўп мулоҳаза юритганимдан сўнг бу хусусда маълум бир тўхтамга келдим. Чамаси, ҳаммамиз ишбилармон, топармон-тутармон бўлиб кетдик-да, маънавий ҳаёт эшикларини бирин-сирин беркита бошладик. Мен аслида ишбилармонликка қарши эмасман. Иш кўзини билиб қаракат қилиш, натижада бойбадавлат яшаш керак, албатта. Аммо «ишбилармонлик»ка муккадан кетиб, қолган қамма қадриятларни, жумладан, маънавий ҳаётни бутунлай рад этиш ўринлимикан?! Кўп йиллик иш тажрибамдан маълумки, баъзи ота-оналар, афсус, худди шу йўлга кириб кетдилар. Улар фарзандлари қалбида эндигина чечак очаётган нафосат чаманзорларини босиб-янчиб, фақат шахсий бойлик тўплашга зўр бермоқдалар.

Ўрта мактабни тугатаётган бир қизнинг ҳаёти бот-бот ёдимга тушиб туради, бутун борлиғимни изтиробга солади. У кўз олдимизда туғилиб ўсди, мактабда фақат аъло баҳоларга ўқиди. Аълочи бўлибгина қолмасдан, моҳир ташкилотчилик, ҳатто бадиий ижод қилиш қобилиятига эга бўлган бу қизнинг издан чиқишига ота-онасининг шахсиятпарастлиги ва «ишбилармонлик»ка муккадан кетишлари сабаб бўлди. Улар фарзандларини ўз ҳолига қолдирганча дам Туркияга, дам Польшага, яна аллақандай юртларга сафарга кетиб, энг муҳим нарсани унутдилар. Яъни, керакли тарбиядан маҳрум бўлган қизалоқ ой сайин ўзгариб борди. У энди ҳаммадан яхши кийинишга интилар, тенгқурлари уёқда турсин, устозларини ҳам менсимас, одамови, димоғдор ва кўрс бўлиб қолган эди. Бунга синфдаги бошқа ўқувчиларда ҳам лоқайдлик, интизомсизлик каби иллатлар кўрина бошлади. Демак, ишбилармонликнинг ҳам чегараси, меъёри бўлиши керак экан.

Масаланинг яна бир қалтис томони шундан иборатки, ҳозирга келиб адабиётимизда социалистик реализм, партиявийлик сингари ёқамиздан маҳкам тутиб келган зўравонликлар барбод бўлди, шу усулда яратилган асарлар ҳам яроқсиз ҳолга тушиб қолди. Бу эса адабиёт ўқитишда катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Ҳозирги ўтиш даврига келиб, ёзувчиларимиз томонидан ўлмас асарлар деярли яратилмаётганлиги эса маънавият фожиасини янада чуқурлаштирмоқда. Тўғри, бадиий асарни буюртма билан ёздириб бўлмайди. Лекин истеъдодли адибларга қулай шарт-шароитлар яратилиб, уларга ғамхўрлик қилинмас экан, ажойиб бадиий асар туғилиши мавҳум бўлиб қолаверади. Худди шунинг оқибатида кутубхоналаримиз янги асарлар билан бойимаяпти, адабиёт муаллимларининг дарслари ёшариш, янги нафаслар асосида завқ-шавқли бўлиш имкониятларидан ҳозирча маҳрум. Худди шу мавзу асосидаги бир катта йиғинда «маънавиятимизнинг келажаги нима бўлади?» деган савол ўртага ташланди. Нуфузли раҳбарлардан бири ушбу саволга жавобан: «Бунақа майда-чуйдаларга ўралашмай, халқнинг қорнини тўйдиришни ўйлашимиз керак», деса бўладими?! Жойлардаги раҳбарларнинг айримлари шу тариқа иш юритиб, адабиёт ва нафосат, умуман, маънавият равнақига етарли эътибор бермас экан, вазият баттар ночорлашиб, қалтислигича қолаверади. Ҳозир кутубхоналарга кириб, тайинли китобларнинг биронтасини тополмайсиз. Мумтоз адабиётимизнинг нодир асарлари, аждодларимиз ёд олган ажойиб достонлар ҳеч қаерда йўқ. Уларнинг ўрнига «бозори чаққон», «ишбилармонлик» асосига қурилган, қандайдир бепарда китоблар катта нусхаларда қалаштириб ташланган. Умуман, бу соҳадаги мувозанат шу қадар бузилиб боряптики, бу ҳолни адабиёт ҳамда маънавиятнинг шўри дейиш мумкин. Хуллас, мазкур жараёнлар созланмас экан, маънавиятимиз ҳам, бадиий адабиёт ва уни ўқитиш ҳам тобора тубанликка чўкиб бораверади.

Карима УСМОНОВА,
Ғазалкент шаҳридаги Абдулла Қодирий номли 3-ўрта мактабнинг тил ва адабиёт муаллимаси.

Маҳалла–тарбия ўчоғи

ЯХШИ УДУМЛАРИМИЗ БОР БЎЛСИН

«Қари билганни пари билмайди» деган гап бежиз айтилмаган. Агар кекса оталар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг ҳаёт фалсафасига бой фикр-мулоҳазаларини эшитиб, ҳеч бир китобда битилмаган доно гаплардан бохабар бўласиз.

Биз бутун умри меҳнат билан ўтган, эл-юрт ободончилиги, турмуш фаровонлиги учун тер тўккан оталар билан ёшлар тарбияси, оила тотувлиги хусусида суҳбатлашиш мақсадида Тошкент районининг Расулобод маҳалласига ташриф буюрдик.

Маҳалла қўмитаси раиси Расул ака Азимов раҳбарлигида катта ободончилик ишлари амалга оширилган. Қаровсиз ва ташландиқ ётган майдонда озиқ-овқат ва хўжалик моллари магазинлари очилганлиги тўрт юзга яқин хонадоннинг узоғини яқин қилди. Бундан аҳоли беҳад хурсанд. Эндиги навбатда нонвойхона қуриш тадориги кўрилаётганини эшитдик.

Маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатимизни биринчи бўлиб 80 ёшни қаршилаётган отахон бошлаб берди.

Туроп АЗИМОВ: — Биз ёшлигимизда ота-оналаримиз доим: катта одамларга салом бер, кичикларни хафа қилма, бировнинг нарсасини олма, сувга тупурма, ёмон бўлади — бирор еринг жароҳатли бўлиб қолади, деб насиҳат қилардилар. Биз уларнинг айтганларини доимо бажаришга ҳаракат қилардик.

Ҳозир-чи? Ҳозир катталар ҳам, айниқса, ёшлар ҳеч нарсадан қўрқмайдиган бўлиб қолдилар. Иложи бўлса кўпчилик олдида чўнтагингни ковлаб пулингни олади. Бир нарса десанг, сенга дўқ ҳам қилади. Бундай ҳолатни баъзи ҳолларда кўпчилик кўра-била турса ҳам, афсуски, индамайди. Чунки бундайларни текширадиган айрим ички ишлар ходимлари ўғри четда қолиб сени сарсон қилади.

Илгари «Бир болага етти қўшни оталик қилади» деган мақолга амал қилиб, маҳаллада бирор бола ножўя ҳаракат қилса, дарров олди олинарди. Эндиликда, бирортасининг камчилигини кўрсатиб ота-онасига айтсангиз, балога қоласиз. Ҳатто, ота-онаси ҳам сиздан хафа бўлади.

Содиқжон ота ҚУЛДОШЕВ: — Қуш уясида кўрганини қилади, дейди халқ. Маҳалламиздаги кўпчилик хонадон фарзандлари одобли, ахлоқли, меҳнатсевар, ўқимишли. Аммо шулар орасида ишёқмас, бировга озор бериб кун кўрувчи, кашанда, ичкиликка ружу қўйганлар ҳам учрайди. Илгари қишлоғимизда бундайлар йўқ эди. Билмадим, шаҳардан юқдими, ҳарҳолда кўпайиб қолди.

Мен бунинг асосий сабаби оиладаги тарбиянинг ёмонлигидан деб биламан. Маҳалламиздаги айрим кишилар шаҳарда ишлайди. Уларнинг баъзилари уйга доим маст бўлиб келади ва котини ёки болаларидан бирортасини уриб-сўкиб, ҳақорат қилади, баъзан юзкўзини кўкартиради. Ана шундай оилада ўсган бола худди отаси каби қилиқ чиқариб, ҳеч кимни менсимайди, безори болаларга қўшилиб, ёмон йўлларга кириб кетади.

Хуллас, эр-хотин ўртасида меҳр-муҳаббат йўқолдими — шу оиланинг фарзанди, албатта, носоғлом бўлади. Маҳалламизда бир-икки оила бор. Доим қўйди-чиқди бўлиб туради. Мен ҳайронман, хотинини уриб-сўкиб ҳақорат қилган одам яна қандай қилиб бир ёстиққа бош қўяркин?! Бу, албатта, шариатга зид. Шунинг учун ҳам, аввало, катталар орасида бўлиб турадиган ана шундай нохушликларга барҳам бериш зарур.

Абдуллажон АБДУРАҲМОНОВ: — Менинг саккиз фарзандим, йигирма нафардан ортиқ неварам бор. Оилада фарзанднинг кўп бўлгани яхши. Қиздир-ўғилдир ёшликдан яхши тарбия олиши керак. Баъзи оилалар болани боғча ёки мактаб тарбиялайди, деб нотўғри ўйлашади. Ваҳоланки, бола мактабда 5—6 соат бўлади. Қолган вақти оилада ёки кўчада ўтади. У кимлар билан ўртоқлашди, қаерларга боряпти, нега кеч қайтяпти. Агар шуларни кузатиб, текшириб бормасак, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Шу туфайли боланинг юриш-туришидан доим хабардор бўлиб туриш зарур.

8 фарзандимнинг ҳаммаси ўрта мактабни яхши тугатди, баъзилари олий маълумот олди. Ҳозир ҳаммаси уйли-жойли, яхши касб эгалари бўлиб етишди. Бундан, албатта, хурсандман.

Мен бир нарсага ҳайронман. Баъзан тузуккина оиланинг фарзандлари ноқобил, бошқаларни менсимайдиган, бойвуччалик қилади. Ваҳоланки, шундайлар ўрта мактабда ҳам яхши ўқимаган, ота-онасининг эркатойи бўлиб, меҳнат қилишга ўрганмай, танбал бўлиб ўсган.

Маҳалламизда ўзига тўқ бир оила бор. Эр-хотин шаҳардаги бир магазинда ишлайди. Бир ўғил, икки қизи бор. Яхши кийиниб, яхши еб-ичиб ўсишди. Аммо нима учундир болаларнинг тарбияси яхши бўлмади. Катта қизи жуда тантана билан ўзи топишган йигитга турмушга чиқди. Аммо уч ой ўтмай ажралишди. Ўғли бўлса 25 ёшга тўлган бўлса-да, ҳали ҳам бирор ишнинг бошини тутмай, ўйланмай юрибди. Бироқ доим башанг кийиниб, маҳалладаги ўз тенгқурларини менсимай, шаҳарлик йигитлар билан улфатчилик қилади. Нима иш билан шуғулланишини билмаймиз. Доимо машинада сайр қилганиқилган. Шундай бўлса-да, ота-онасини мутлақо ҳурмат қилмайди. Бу оилага маҳалла фаоллари ҳам аралаша олмайди. Билмадик, оқибат нима билан тугайди. Ҳа, бундай оилаларни бошқа маҳаллаларда ҳам учратиш мумкин.

Маҳалла фаоллари билан бўлган суҳбат натижасида ёмон иллатлар илдиз отаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, эндиликда ёшларнинг бебошликларига чек қўйиш зарур.

Қадимий урф-одатларимизга кўра ҳар бир маҳалланинг фаоллари юз берётган нохушликларни бартараф этмоқ учун ҳар бир оиладаги болаларнинг тарбиясига алоҳида эътибор беришлари керак. Чунки ўз маҳаллангиздан ўқимишли, одобли кадрлар етишиб чиқса, албатта, маҳалла аҳлига фойда. Ёмонлар эса келгусида ўз маҳалласида яшаб турганларга ҳам жабр қилиши мумкин. Ана шунинг учун, маҳаллада учраган ҳар бир нуқсоннинг олдини олиш зарур.

Ҳ. ИУЛДОШЕВ,
М. ҒАФУРОВ,
меҳнат фахрийлари.

Ўзгача бўлди

Пойтахтнинг Яккасарой ноҳиясидаги 144-мактабда «Ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги» мавзуси бўйича илм масканлари директорларининг, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларининг шаҳар анжумани бўлишини эшитиб, одатдагидек бир-икки соатлик маъруза билан ўтадиган тадбир бўлса керак, деб ўйлагандим.

Анжуманнинг бошланиши башоратимни бироз исботлаган бўлса-да, иштирокчилар жамул-жам бўлиб «Дўстлик чойхонаси» дея рамзий номланган болалар ошхонасига ўтишганда, шошилиброқ чиқарган хулосамдан ҳижолат тортдим. Давра суҳбатини олиб борувчининг самимий, ўйноқи ва ўз ўрнида нишонни аниқ мўлжалга оладиган саволлари бу тадбир тадоригининг ўта масъулият билан бўлганлигини исботлади.

Чойхонага тўпланган Ракат, Муқимий маҳаллалари раислари, ота-оналар, районлардаги мактаблар вакиллари, район прокуратураси ходимлари, қўйингки, барча-барча бу гал «томошабин» бўлиш шарафи»га муяссар бўла олмади. Гўёки худди шу ҳолат бола тарбиясида ҳам жуда муҳимлигини икки соат мобайнида анжуман ўз қатнашчиларига бот-бот эслатиб турди.

— Ҳозир ҳамма мактабларда бўлгани каби бизда ҳам тарбияси оғир болалар бор. Бугун улардан биронтасининг қалбида яхшилик, диёнатлилик каби инсоний ҳислар уйғонган бўлса, шунинг ўзи мен учун бахт, — деди анжуман якунида уни ўтказишда бошдан-оёқ куюниб юрган 144-мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Ўлмас опа Юнусова.

Аслида бу каби жамлашувни ташкил этиш ҳам Ўлмас опани безовта қилган. Эзгу ният амалга ошиб, кўнгиллар яна хотиржамликка қўникаётган ушбу дамларда биз Ўлмас опага фақат худди шундай хайрли ишларга сабаб бўладиган безовталик тилаб қайтдик.

А. РАҲИМОВ.
Анжумандан сурат лавҳаларини А. ЧАПЛИГИНА олган.

ТАНИШИНГ: ЯНГИ ГАЗЕТА!

Мустақил республикамизда яна бир янги рўзнома газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Бу Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий, адабий-бадиий ва маърифий газетаси — «Ипак йўли»дир.

Қадриятларимиз, тарихимиз, бой меросимиз — бир сўз билан айтганда, маданиятимиз ривожига хизмат қилиш учун бел боғлаган «Ипак йўли» газетасининг шу йил 25 ноябрда чоп этилган биринчи сонидаёқ муштарийлар эътиборини қозонадиган бир қатор материаллар берилган. Газетанинг мақсад ва вазифалари хусусида ҳикоя қилувчи Ўзбекистон Маданият жамғармаси бошқарувининг раиси М. Маҳмудовнинг «Зафар қучоғида уйғонайлик», профессор Малик Муроднинг «Турконэл қадриятлари», Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси масъул котиби Д. Саидовнинг «Садоқатни синаш имкони», Тилак Жўранинг «Рўёбга чиқаётган рўёлар» мақолалари шулар жумласидандир.

Газетада ўлка тарихига оид материаллар ҳам, хусусан, «Ишонмайсизми? Унда баҳслашинг» рукни остида Василий Бартольднинг «Темурнинг дафн этилиши», «Табиат билан учрашув» рукни остида Рабиндранат Тагорнинг «Дунё буюмлар йиғиндиси эмас» мақолалари, шунингдек, хотиралар, ҳикоят мавзулари ва бошқа материаллар чоп этилган.

Қисқа қилиб айтганда, «Ипак йўли»нинг илк сони материалларидаёқ газетхонни маънавий тарихимиз алифбоси билан юзма-юз этади. Биз, «Маърифат»чилар, янги газета — «Ипак йўли»нинг илк қадамини қутлаб, эзгу орзулари рўёбга чиқсин, деб тилак билдирамиз.

ИСИТМА

(Воқеий ҳикоя)

Саратон иситмамни беш баттар ошираради. Коинот тандир, мен унинг оловида ёнаяпман.

Обираҳмат суви ҳовлимизни икки бўлиб оқади. Мени ариқ устидаги сўрига ётқизиб қўйишибди. Эгнимдаги малла бўз кўйлак-пойжомам жиққа ҳўл. Оғам чўкка тушиб, терга ботган пешонам ва юзларимни кўкамтир гулли оқ кўйлагининг енг учи билан дамбадам артиб қўяди. Мен ўзимни тетик тутишга ҳаракат қиламан. Онамнинг изтиробларини енгиллаштирмоқчи бўламан. Онам хириллаган мунгли товушда оллодан дардимга шифо тилайди. Унинг ғамгин, қора кўзларидан ёш томчилари тўкилади.

Онам жуда содда ва мулойим аёллардан. Яккаю ягона ўғлининг бетоб ётганига ҳеч ким кўниколмайди. Фақат худога нола қилади.

Йигирмата ака-укани ер қаърига топшириб, якка ўзи қолган отам ота-онасига жуда азиз бўлган ва жуда эркатой ўсган. Ўн саккиз ёшида Найманли бўласининг ўн беш яшар қизига уйланган. Ниҳоятда чиройли ва ўқимишли хотин ҳусн-таровати, ақл камолоти билан эрини ўзига ром қилган. Аммо ўша гўзал ва доно аёл бойваччанинг пешонасига сиғмаган. У жон бера туриб: «Жонгинам, бойваччам, ҳуснга учманг, мени одамлар кўзи адо қилди» дегани бойваччага сабоқ бўлган. У бир камбағал ночорнинг қизи бўлмиш менинг онамга уйланган.

Онам қора мағизли юзларидаги ҳинду ҳоллари билан бошқа аёллардан ажралиб турарди. Исми жисмига мос — Мунаввар эди. У тўладан келган, ўрта бўйли ва бақувват аёл эди. Меҳнатдан сира қочмасди. Камтарлиги боиси бўлса керак, қўшни аёллар уни жуда хушларди. Раҳматли Ҳанифа бувим ўғлидан кўра онамни яхши кўрарди, туғишган қизидай биларди. Қайнона-келиннинг иноқлигига ҳамма ҳавас қиларди. Мен ҳам отамдан кўра онамни кўпроқ севардим. Отамни узоқдан кўрган онам мен билан пичирлашиб, аллақандай эҳтиётлик билан гаплашарди. Онамни мен тушунардим. Шу сабабли онамга меҳрим борган сари ошарди.

— Ҳў, оқсоқол, бугун қалайсан. Анча тузукка ўхшайсан. Юзларингдан, кўзларингдан кўриниб турибди, — деди отам эшикдан кириши билан.

Иситмам зўрайиб, қанчалар изтироб чекмайин, отам ҳузурида ўзимни дадил тутаман. Отам жуда гапдон, шоир табиатли одам эди. У бир зумда одамни сеҳрлаб қўяди. «Оқсоқол» деб муомала қилиши менга жуда ёқарди.

— Худога шукр, иситмаси анча пасайди. Болалар билан ўйнаб ҳам келди, — дея мен учун жавоб берди онам.

Отам ғам-ғуссадан оқариб кетган мўйловларини буриб, хорғин кўзларини катта очиб кулимсиради ва мендан кўз узмай:

— Амакинг билан Челакка борадиган бўлдингми? — деди. Ғўра бўлмай пишган отамнинг оқарган сочларига қараб унга раҳмим келди. Отамни қулоқ қилган йиллари у ўлим занжирига тиркашганлар рўйхатида эди. Отам одамохун, улфатчиликка берилган, бойлик орттиришга мойиллиги кам ва жуда сахий киши эди. Камбағал, бева-бечоралар уни жуда ҳурмат қилишарди. Ер ислоҳоти йилларида ерларини камбағалларга бўлиб берган эди. Ўшанда халқ орасида жуда кўп дўст орттирган. Ундан қулоқлик тамғасини олиб ташлаб, камбағаллар ўз сафларига олишганларининг ҳам боиси шу. Шўро одамлари ҳанги эшакдан бошқа молмулкларини шипириб кетган эдилар. Бўйра устида қолганмиз. Ўшанда қўлини совуқ сувга урмаган отам Сиёб бўйидаги гуруч заводига юк ташувчи бўлиб ишга кирди.

Кечки овқат вақтида амаким Мўйин бойвачча кириб келди. Амаким отамга ўхшаб паст бўйли, озғин жуссали, тетик одам эди. У қора кўзларини қисиб туриб, «қалай» дегандай менга қаради. У мени жуда хушларди. Ҳаммамиз амакимни ҳурмат қилардик. Отам бошқаларга қараганда, амаким билан анча босиқ гаплашарди. Ўзидан анча ёш бўлишига қарамай, унга «сиз» деб мурожаат қиларди ва исмига «жон» сўзини қўшиб муомалада бўларди. Отамнинг тутунган укасига қилган тавозелари менга жуда ёқарди.

Чой ичиб бўлгач, дастурхонга фотиҳа ўқилди. Отам менга тикилиб:

— Қани, оқсоқол, эшакни тўқимла, амакинг билан Челакка борадиган бўлдинг, — деди.

Ҳар ойнинг тўртинчи ҳафтаси амаким билан Челак бозорига борардик. Бу иш менга ёқарди. Бунга одатланган эдим.

Амаким хотини билан лажом, нўхта тикиб, уни якшанба кунлари бозорга чиқарар эди. Челак бозори ҳамиша чаққон ва жуда гавжум бўлади. Шунга кўра амаким ҳамиша лажомларини Челак бозорига сотишга элтарди. Мен амаким билан бозор қилишга ўрганиб қолган эдим. Челакка борган кунларим ҳаётимнинг энг завқли дамлари бўларди. Ўша кунлари менда дунёнинг мураккаблиги ҳисси уйғонарди. Гўё мен корчаллон кишиман. Бозордан қайтган кунимнинг эртаси унда кўрган ажойиботларим ҳақида дўстларимга лоф урардим.

Отамнинг буйруғи билан тараддудланиб ўрнимдан турдим. Лекин аҳволимдан онам кўпроқ хабардор бўлгани учун мени бағридан жилдиришга ҳеч раъйи йўқ эди.

— Ҳали бир оз унимиз бор, бозорни келгуси ҳафтага қолдиринг, — деди онам ётиғи билан отамга қараб.

Отам онам илтимосининг асл мазмунига етди, онамга қараб бир зум тикилди ва сўнг қотма, бежирим гавдасини мен томон суриб:

— Қалай, қолдирамизми? — деди.

— Кетамиз. — дедим тортинмай.

Отамнинг меҳрибонлиги ошиб: — баракалла ўғлим, — деди.

Кейинги дамларда мен отамни шундай қувноқ аҳволда биринчи бор кўришим. Илгарилари у ўзини жуда сипо тутар, ўзига гард юқтирмас эди. Қулоқ қилинган йилларидан буён алланечук озиб, кийим-бошлари ҳам эскириб кетган эди. Ўзи ҳам жуда камгап бўлиб қолган эди. У бир зум ўйланиб, сўнг амакимга пулни чўза туриб:

— Мўйинжон, тоза ун топаман деб кўп ҳам овора бўлманг, икки пудча баҳори буғдой ола қолинг, — деди.

— Сен уловингни тўқимлаб йўлга чиқавер, мен отда ортингдан етиб оламан, — деди менга амаким кететуриб.

Эшакни шайладим. Қоп-ҳуржунларни олдим. Онам қўйнимга битта нон солиб қўйди.

Онам атрофимда парвона бўлиб, сафарга юборишга сира раъйи йўқ эди. Аммо начора, оилада кимдир нон тараддудида бўлиши керак-да! Ниҳоят онам оқ йўл тилаб: «Чидамли бўл, ўғлим!» дея елкамни қоқиб қўйди.

Эшагим илдам қадам босаяпти. Ҳар замонда орқамга қарайман, амаким кўринмайди. Оқдарёга яқинлашаяпман. Қуёшнинг ярми уфққа чўккан. Негадир амакимдан дарак йўқ. Мени секин ваҳима боса бошлади... Дарё соҳили бўйлаб оқиб келаётган пода бир дамда мени қамраб олди. Чангга ботдим. Подага эргашиб дарё кўпригидан ўтганимни ҳам сезмай қолдим. Мададкоримни жиловлаб бир дақиқа тўхтадим. Пода узоқлашди. Чанг босилди. Бурилиб орқамга қарадим. Узоқда отлиқлар кўринди. Улар жадал келарди. Амакимни танидим. Унинг саман оти олдинда келарди.

— Қани, оқсоқол, жиловни бўшатмай келдингми? — деди амаким менга яқинлашиб, — отларга эргаша оласанми? — қўшиб қўйди у.

Йўқ, дейишни ўзимга эп кўрмадим, индамай мададкоримнинг бўйнига хала босдим.

— Майли, энди биз шеригимиз билан секин борамиз, — деди амаким ҳамроҳларига қараб.

Отлар бир зумда кўзимиздан ғойиб бўлди. Амаким мен билан секин йўлда давом этди. Челакка етганимизда бозор теварагидаги саройлар от-улов билан тўлган эди. Бозорчилар сарой теваракларида ҳам ётишарди. Биз ҳам далада тунадик. Анчагача ухлай олмадим. Хаёлга ботдим... Бу дамлар ҳаётимдаги энг тушкун ва хаёлан дамлар эди. Узоқни ўйлардим. Хаёл оғиб яна безгакни ўйладим. Эртага безгак тутиб қолса, ҳолим нима кечади. Ўз кучимга ишонаман. Аммо безгак касали мендан кучлироқ бўлиб туюлаяпти... Тун ярмига оғганига қарамай, шовқин-сурон, от-уловларнинг кишнаши тинмасди. Амаким ҳуррак отади. Тағин амакимнинг отини биров етаклаб олиб кетмасин, деган хавотирдаман. Олдидаги бедани кемираётган отга қараб ётаман. Поёнсиз дала ғира-шира қоронғилашади. Амаким қўлларини боши орқасига қўйиб, юзини осмонга қилганича, беҳушдек қотиб ётарди. Унинг юзлари хорғин, қорайган. Унга қараб раҳмим келарди. Кучимдан анча устун турадиган ва миям доирасига сиғмайдиган масалаларни ўйлаб-ўйлаб шу куйи ухлаб қолдим...

Амакимнинг, оқсоқол, туринг, дегани қулоғимга чалинди-ю, ирғиб турганимни ўзим сезмай қолдим. Олазарак теваракка қарадим. Ёлғиз ўзим. Ҳамма ўз юмуши билан банд. Амаким бир зоғора нон билан иккита яхак олма келтирди ва уни менга узатиб «еб ол!» деди-ю, ўзи бозор томон шўнғиб кетди. Тамадди қилдим. Сўнг мададкоримга теварак-атрофдан ўт юлиб бердим. Ўша замонлар бозор теваракларида ўт-ўлан одам бўйи ўсиб ётарди. Худо ўтга барака берган эди. Амакимнинг йўрғасини ҳам қуруқ қолдирмадим.

(Давоми 4-бетда).

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Баҳодир Нарзуллаевич ҲИДИРОВ!

Сизни — халқ таълимининг моҳир ва жонкуяр мураббийсини таваллуд топган кунингиз билан самимий ва қизғин қутлаймиз. Олижаноб касб — педагоглик фаолиятингизни бошлаганингизга, мана, қарийб 24 йилдан ошди. Ана шу йиллар мобайнида кўпгина хайрли ишларга бош-қош бўлдингиз. 1990 йилдан Иштихон район халқ таълими бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқдасиз.

«Ота-она гўё боғбон, фарзанд боғнинг ғунчаси» деганларидек, умр йўлдошингиз Сайёрахон билан бирга 8 нафар фарзандни — 4 ўғил ва 4 қизни тарбиялаб, уларга меҳр ва мурувват кўрсатаяпсиз.

Биз зиёлилар аҳлига маълумки, Сизнинг район халқ таълими бўлимининг мудири сифатида таълим-тарбия ва кенг қамровдаги ўқув жараёнини такомиллаштиришдаги кўрсатаётган ташкилотчилигингиз ҳам эътиборга моликдир. Бу эса маорифчилар ва район меҳнат аҳли ўртасида Сизга катта ҳурмат-эътибор келтирмоқда. Биз доимо шундай эҳтиромга сазовор бўлиб юришингизга тилакдошмиз.

Сизга оилавий қувончлар, шарафли ва сермашаққат ишингизда доимо омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

ИШТИХОН РАЙОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ ВА ҲАМКАСБ ДЎСТЛАРИНГИЗ.

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АНЖУМАН

Яқинда Абдулла Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг табиий фанлар кафедрасида илмий-услубий анжуман ўтказилди. Бу анжуманни ўтказишдан асосий мақсад институт ўқув услубига янгиликлар киритиш, тингловчиларни ўз соҳалари бўйича ҳозирги замон фан-техника ютуқлари билан чуқурроқ таништириш ҳамда уларни ўқув жараёнида қўллашга йўналтиришдан иборат эди.

Анжуманда профессор, география фанлари доктори Р. Раҳимбеков «География ва экология», профессор, кимё фанлари доктори А. Юлчибоев «Кимё фанини ўқитишни чуқурлаштиришда унинг янгиликларидан фойдаланиш», профессор А. Ғофуров «Биология ўқитишнинг фаол шакл ва услублари» деган мавзуда маъруза қилдилар.

Анжуманда институт ректори, профессор Ғ. Шоумаров, илмий ва услубий ишлар бўйича проректор, профессор К. Давлатов, институт кафедра мудирлари ва тингловчилар иштирок этдилар.

А. АЪЗАМОВ.

Сардор МАҲМУД

Шарқ тарихи

Инглизчадан Шамолиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод таржимаси

Хорун ар-Рашид (789 — 809 йиллар). Ал-Маҳдийдан кейин унинг валиаҳди Мусо ал-Ҳоди подшоҳ бўлди. Лекин у ота бир, она бошқа укаси Хорунни ўзига рақиб деб биларди. Ҳар иккаласининг оналари ўзаро бир-бирига ашаддий душманликни шу даражага етказдиларки, натижада ал-Ҳоди ўлдирилди. Шу тариқа Хоруннинг битта ўзи меросхўр бўлиб қолиб, халифаликда аббосийларнинг энг таниқли вакилига айланди. Унинг 23 йиллик подшоҳлигида амалга оширган ишлари Исломга шон-шуҳрат келтирди. Бутун Ғарб ва Шарқ қироллари уни Ислом халифаси сифатида эътироф этдилар. У Хитой императори билан ҳам муҳтор вакиллар алмашиб турди. Тўққиз марта Маккага ҳажга борган бўлса-да, жуда кўп саёҳат қилар, тўлақонли ҳаёт кечириб, ҳеч қандай лаззатдан ўзини тиймас эди. Унинг номи роман мамлакатлари ёзувчиларининг асарларида ҳамда Хорун ар-Рашиднинг қудрати ва улуғворлиги, араб маданиятининг шон-шуҳрати тўғрисида тасаввур берувчи «Минг бир кеча» туркумидаги тўқима эртакларда кўплаб марта тилга олинади.

Кичик Осиёдаги уруш. Аста-секин барча мусулмон мамлакатларига ёйила борган осойишталик ва тартиб-интизом туфайли Хорун салтанатининг улуғворлиги янада ошиб кетди. Албатта, византияликлар билан уруш давом этарди, лекин буни ҳисобга олмаса ҳам бўларди. Чунки византияликлар ҳар бир подшоҳ билан бир ёки бир қанча марта урушиб чиққан эдилар. Илгаригидек, уруш ташаббуси сулҳга хиёнат қилувчи византияликлардан чиқиб турарди. Константинополь императори Ирене хоним билан Хоруннинг отаси ал-Маҳдий ўртасида тузилган шартномани эслайлик. Бир неча йил ўтгач, Ирене донишмандликдан йироқроқ, ўзига ортиқча бино қўйган, мунофиқликда ҳеч нарсадан тоймайдиган Найсфорус таъсирига берилди. Найсфорус Хорунга битим шартларини рад этувчи ниҳоятда, кўпол хат йўллади, унда ҳар йилги товон пулини тўлашдан бош тортибгина қолмасдан, император Ирене хоним илгари тўлаган пулларни қайтариб беришни ҳам талаб қилди. Жавоб хатида Хорун (бу хат таниқли араб тарихчиси Табарий китобининг саҳифаларида Византия императори ва Ислом халифаси ўртасидаги муносабат эслатиладиган жойига ишора билан баён этилган) шундай деб ёзади: «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Эътиқодли лашкарбошидан роман ити Никфуруга. Эй саёқ онанинг ўғли, албатта, мен хатингни ўқидим. Сен жавобимни эшитмайсан; сен уни кўрасан». Шундан кейин у бир нечта чоғроқ ҳарбий қўшилмаларига Кичик Осиёга қарши жанг қилишни буюрди. Улар Херакл ва Тианани, Икониум ва Эфесни эгалладилар. 805 йилда Кипрга ҳужум уюштирилди. 807 йили Родос босиб олинди. Никфура ёки Найсфоруснинг ялиниб-ёлворишларига қулоқ солинмай қўйилди. У сулҳ тузишни, шунга кўра анча мўмай товон тўлашга рози эканлигини ва яна қўшимча равишда шахсан ўзи ва императордан тортиб то унинг оила аъзоларигача жарима тўлашларини билдириб, ўтинч сўради.

Хорун подшоҳлигидаги қўзғолонлар. Хорун ар-Рашиднинг подшоҳлик даврида у ер-бу ерда кичикроқ қўзғолонлар кўтарилиб турди. Улардан бири 786 йили Мадинада бўлиб ўтиб, унинг қатнашчилари Али авлодларига лаънатлар ёғдирдилар. Исён бостирилди, лекин унинг бошчисига амакивачча бўлган Идрис ал-Мағрибча қочиб кетиб, юқорида айтилганидек, Марокашда идрисийлар сулоласига асос солди. Сулола икки юз йил давр сурди. Шомда мударийлар билан ҳимйарийлар ўртасида давом этаётган шафқатсиз курашга буюк вазир Жаъфар ал-Бармоқий бутунлай чек қўйди. Ифриқия ҳокимининг чиқишларини тинчлантириш учун Ҳорун Иброҳим ал-Аълобни у ерга жўнатди. Кейин маълум бўлдики, Иброҳим ўша мамлакатда аълобийлар сулоласини илдиз орттирган экан. Кейинги қўзғолон деярли яна 15 йилдан кейин икки дарё ораларида (Мовароуннаҳрда) бўлиб ўтди. Бу ерда Самарқанд ҳокими Рафи ибн Лайс 805 йили бош кўтарди. Унга қарши юришга Хоруннинг ўзи бошчилик қилиб бораётганида йўлда касалланиб, Хуросондаёқ вафот этди.

Бармоқийлар инқирози. Бармоқийлар қудрати учта подшоҳ ҳукмронлиги даврида сақланиб қолди. Хорун салтанатида уларнинг обрўси фақат халифанинг улуғворлиги туфайли иккинчи ўринга ўтиб қолган эди. Бармоқийларнинг фанга ҳомийлиги, совға-саломлари, дид-фаросати ва салобати тўғрисидаги овоза чор атрофга ёйилди. Улар бунёд этган кошоналар халифалари сингари жозибали эди. Ишқилиб, буюк бармоқийларга қарши фисқи-фасодлар бошланиб кетиб, ниҳоят, бу гаплар халифа Хорун қишлоғига ҳам етиб борди. Шиаларга мансуб бармоқийлар аббосийларнинг суннийпараст саройига бошқа тоқат қила билмасликларини унга маълум қилдилар. Хорун синглисини ўзига қадрдон бармоқийлардан бири — улуғ вазири Жаъфарга никоҳ қилдирди. Лекин охир оқибатда бу ҳам ёрдам бермади. 803 йили бармоқийлар таназзулга учрадилар. Хорун улардан юз ўгирганича бор мол-мулкларини мусодара қилиб, ҳаммасини қамоққа ташлади. Жаъфар ҳамда машҳурликда ундан кам бўлмаган укаси Фадл қатл этилди. Шаҳзодалар меҳридек қаттиқ нарса йўқ, деган нақл борки, бу бармоқийлар тарихига нисбатан жуда тўғри келади.

Аббосийларнинг турмуш тарзи. Аббосийлар даври араблар эришган ютуқларнинг авж нуқтасига гувоҳ бўлди. Араблар ҳамма жабҳама-зарра тўплаб, ўзлари мерос яратдилар ва сўнгра, адабиётда, фалсафада, фан тарихида, жўғрофияда, санъат ва ҳунармандчилик бобида алпона қадамлар билан буюк сакраш ясадилар. Аббосийлар Бағдодда дунё марказини барпо этдилар, уларнинг ғоялари мисоли улкан бир чироқ ёғдуси сингари ўша ердан бутун атрофга таралиб турарди. Бағдоддан тарқаган шуъла ер куррасининг ғарбий ярим қисмидаги барча бурчакларга кириб боради. Арабларнинг ҳамма ютуқларига ал-Маҳдий ва ар-Рашид ҳукмронлиги даврида уруғ сочилган бўлиб, ундан униб чиққан ҳамма нарса Хоруннинг ўғли улуғ Маъмун даврида барқ уриб гуллаб-яшнади.

Аббосий ҳукмдорлар. Камдан-кам ҳокими мутлақлар аббосийларчалик фан тўғрисида жон куйдирган; улар ўз турмуш тарзига ҳам ўзгариш киритган эдилар. Илгариги умавийлар ҳали ҳам оддий нарсаларга ишонардилар. Муовия аслида бир кекса араб шайхи эди. Бошқа умавийларнинг кўплари дамашқликларга хос бир хил ҳаётчинг ҳашаматли гўзаллигидан мунтазам воз кечиб, асосан чўлда оддий қишлоқлар орасида яшашарди. Умавий шаҳзодаларнинг аксарияти дастлаб ана шундай чиниқиш ҳосил қилишганди. Аббосийлар эса бундай тирикчиликни қабул қилмасдилар. Аббосий халифалар ва шаҳзодалар дабдабали турмуш кечиришарди. Улар, аввал, бошданоқ форсий турмуш тарзига ошна бўлишиб, тобора кўпроқ форсийлаша бордилар. Масалан, аббосийга бевосита мурожаат этиб бўлмасди, улар ибодатхоналарга мутасаддилик қилишмасди, кейинроқ ўз қўшинларини ҳам бошқармай қўйдилар. Уларнинг буюк вазири, ноиби халифанинг вакили саналиб, ундан сал пастроқ ҳуқуққа эга эди. Чўрилар, қуллар ва бошқа хизматкорлар устидан хўжайинлик қилиб юрувчи бошқа вазирлар ҳам бўларди. Уларнинг турмуш даражаси анча юксак бўлиб, тўкин-сочин яшайдиган амалдорларникидан ҳам аъло эди. Ана шундай тўқчилик, серҳашамликка ружу қўйиш ва беғамлик уларни тамагирликка интилиш эҳтиёжидан ҳоли қилганди. Бироқ заифлашиб бораётган ҳукмдорлар ва ғам билмас сарой хизматкорларининг мақсадсиз ҳаётига янгилик жорий этилган ҳоллари илгари ҳам бўлган. Шунинг учун мусулмонлар бунга бошқа тоқат қилиб туролмасдилар.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

ПЕДАГОГ-ТАРҒИБОТЧИ ЁН ДАФТАРИГА

ТАЪЛИМ УЧУН 445 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

1992-93 ўқув йилида АҚШда таълим учун сарфиётлар 445 миллиард долларга етади. Бу ўтган йилдаги сарфиётдан 5 фоиз кўп демакдир. Бу маблағдан 363 миллиард доллари бепул ўқитиладиган ўрта мактаблар, коллежлар ва университетлар учун, 82 миллиард доллари хусусий мактаблар учун ажратилиши мўлжалланган.

ЎРТА ОСИЁ НУР МАНБАИ

Ҳозирги пайтда Қирғизистон Ўрта Осиёда электр қувватини энг кўп экспорт қилувчи давлат ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили 13 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилади. Бу электр қувватининг 3 миллиард киловатт-соати Ўзбекистон ва Қозоғистонга етказиб берилади.

ЭНГ ОҒИР КАСАЛЛИК

Гиёҳвандлик одамни инсонийлик қиёфасидан чиқарадиган, турли оғир дардларга мубтало қиладиган, жамият учун ниҳоятда хавфли касалликдир. Ачинарлиси шундаки, бу касалга чалинганларнинг 80 фоизи балоғат ёшига етмаганлар, 15 фоизи 18—30 ёшли кишилардир. Мутахассислар матбуотда ёзишича, СПИД касаллигининг 18 фоизи гиёҳвандликдан келиб чиқмоқда.

Умуман, гиёҳвандлик жиноятчиликнинг кўпайишига, ишлаб чиқариш унумдорлигининг пасайишига, одамлар ўртасида меҳр-муҳаббатнинг йўқолишига, эрта қариш ва ўлимнинг кўпайишига сабабчидир. Шунинг учун гиёҳвандчиликка қарши кураш даврнинг энг долзарб иши, ота-оналар, педагог-зиёлилар ва кенг жамоатчиликнинг бурчидир.

• *Эртак—ҳаётда ўрнак*

САВОБЛИ ИШ ҚИЛИНГ...

Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди, дейилади. Ўзбек халқ эртакларининг қайси бирини ўқиманг, уларда, албатта, савобли ишлар қилиш, ўзгаларга кўмаклашиш, ҳайвону жониворларга ёрдам қўлини чўзиш бош масала қилиб қўйилганлигини кўрамиз. «Бўри билан мерган», «Илоннинг иши», «Тулкибой», «Олтин тарвуз», «Ур тўқмоқ», «Олтин балиқ», «Подачининг қизи», «Қулоқбой», «Оҳанрабо», «Меҳригиё» эртаклари бу борада алоҳида ажралиб туради. Бу эртакларнинг сеҳрли кучи, қудрати бола қалбини бир умрга ром қилиб олади. Уларни яхши ишга, давримизнинг ажойиб ўғил-қизлари бўлиб ўсишга мудом чорлайверади.

Юқорида номлари зикр этилган эртакларнинг баъзиларида ҳар доим ҳам қилинган савобли ишлар кўнгилдагидек бўлавермаслиги, яхшиликка яхшилик қайтиш ўрнига ёмонлик бўлиши ёш китобхонни ҳушёр торттиради. Дўст билан душманни ажратиб яшашга ўргатади.

Биз қаламга олаётган «Олтин тарвуз» эртаги ҳажм жиҳатидан қисқа, аммо маъно ва мазмун томондан энг таъсирчан асарлардан бири ҳисобланади.

Асар сюжети ҳам ҳамма ёшдаги болалар учун қизиқарли. Баҳор фаслида бир деҳқон ўз даласида ер ҳайдаб турганида осмонда парвоз қилиб кетаётган бир лайлак ногаҳон деҳқон олдига қулаб тушади. Деҳқон қараса, ҳалиги лайлакнинг бир қаноти синиқ эмиш.

Ёш китобхон учун қувончли томони шундаки, деҳқонда лайлакка нисбатан ғаразгўйлик ёки ундан бирор манфаат кўриш нияти йўқ. Деҳқонга савоб иш бўлса, бас. Шу эзгу ният билан лайлакни уйига олиб келиб, уни парвариш қилади. Лайлак соғайгач, уни ўз эркига қўйиб юборади. Лайлак ҳам яхшиликни унутадиган қушлардан эмас экан. Кейинги баҳор, деҳқон даласида чигит экиб турганида, лайлак унинг даласидан пастлаб учиб ўта туриб уч дона тарвуз уруғини ташлаб кетади. Деҳқон пахтаси билан теппа-тенг тарвузни ҳам парваришлайди. Тарвуз пишиб етилгач, деҳқоннинг бахти кулиб боқади: «Шундай қилиб ҳосилни йиғадиган пайт ҳам келибди. Бир куни тарвуздан учтасини узиб, уйига олиб кетибди. Тарвузлар жуда катта экан. Деҳқон ўзининг яқин қариндошларини, ошно-оғайниларини меҳмон қилиб чақирибди. Бир маҳал тарвузга пичоқ урса, пичоқ сира ботмас эмиш. Уни қўйиб иккинчисини суймоқчи бўлибди. Пичоқ ўтмабди, учинчиси ҳам шундай бўлибди. Деҳқон ҳам, меҳмонлар ҳам ҳайрон бўлишибди. Ерга бир уриб ёриб қарасалар, ичи тўла тилла эмиш. Қолган иккитасини ҳам ёриб кўришибди. Уларнинг ичи ҳам тўла тилла эмиш. Камбағал севиниб кетиб, ҳаммасини деҳқонларга улашибди, улар ҳам хурсанд бўлиб, уй-уйларига тарқалибдилар. Уч туп тарвузнинг ҳар бири ўнтадан солган экан. Деҳқон қолган тарвузларни ҳам йиғиб олибди. Шундай қилиб, камбағал деҳқон жуда бойиб кетибди».

Меҳнаткаш халқ азалдан яхши яшаш ҳақида катта орзу билан кун кечирган. Эртакдан аёнки, халқ бойбадавлат яшаш орзусини деҳқон мисолида кўрсатган. Деҳқон, биринчидан, меҳнатни севадиган, ҳалол, пок, виждонли бир инсон сифатида эртак тингловчида катта таассурот қолдиради. Иккинчидан, у табиатни, жониворларни жон-дилдан севади. Шунинг учун ҳам, у жароҳатланган лайлакни сўйиб еб қўйиймайди, аксинча, унга раҳмдиллик қилади, уни даволаб, учириб юборади. Яхшиликка яхшилик қилиб лайлак деҳқонни олтин билан сийлайди.

Эртакда бир-бирига қарама-қарши иккита образ бор. Бой — бутунлай деҳқоннинг тескариси, унинг феъли бузуқ, у ўзидан бошқаларни бойиб, тўқ-бадавлат яшашини истамайди, ўзи янада бойигиси келади. Ўзининг қора ниятини амалга ошириш мақсадида соппа-соғ лайлакни таёқ билан уриб, унинг оёғини синдириб, сўнг тахтакач билан боғлаб даволайди.

Меҳнаткаш халқ азалдан ўз зулмкорларига қарши курашган. Қандайдир ёвуз кучлар ёрдамида улардан қутулиш, ўч олиш йўлларини қидирган. «Олтин тарвуз»даги қовоқ ари бунга ёрқин мисолдир. Халқ истак-хоҳиши шундай: бойни йўқ қилиш ва бу эртакда тўла-тўкис амалга оширилади.

Хуллас, «Олтин тарвуз»да кузатганимиздек, кимки савобли ишларни қилса, бу яхши, халқнинг ҳурмат ва эътиборини қозонади, бахтли бўлади. Кимки қинғир бўлса, хайрли ишларга қўл урмаса, халқ қаҳр-ғазабига учрайди, ўз бахт қушини қўлидан чиқаради.

«Олтин тарвуз»ни боғча болалари ва кичик мактаб ёшидаги болаларга ўқиб берилса, уларни сахий, қўли очиқ бўлишига, худди деҳқон каби қушлар ва жониворларни севишга ўргатилса, бойнинг иши нотўғри эканлигини тушунтирилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Ҳа, халқ бекордан-бекорга: савобли иш қилинг — бахтиёр бўласиз! — демайди-да.

Д. АБДУРАҲИМОВА.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

ИСИТМА

(Боши 3-бетда).

Бозор авжида. Амаким «Отини ардоқлаган чавандозга аталган сара лажом!» деб ингичка овозини баланд кўтариб қичқирарди. Харидорлар яқинлашганларида «сотиб ол!» деб мулойим муомалада бўларди. Шу аснода кун ҳам оға бошлади. Бозор сийраклашди. Амаким қўлида охирги лажоми, кўк жанда тўн кийган нотаниш бир киши билан келди. Нотаниш киши орқасидаги қопни «тўп» этиб ерга ташлади, амакимга қараб:

— Сизга ёлғон, худога рост, буғдой расо икки пуд. Ўзим мана шу қўлларим билан, — уй тарозисида ўлчаганман, — деди.

— Оғайни, мен ҳам ҳолисман, мана шу болага олиб бераяпман, — деди амаким мени кўрсатиб.

Ростини айтсам, амакимнинг «ҳолисман... болага олиб бераяпман» дегани менга ёқмади. Лекин савдода ёлғон гаплар бўлади, унинг савоби ҳам бор деганларини савдогарлардан эшитганман.

Сотувчи буғдойни хуржунимнинг икки палласига солди, қулини олиб жўнади.

— Оқсоқол, — деди амаким менга қараб, — сенинг ишинг битди. Гаровга бўлса ҳам қолган шу битта лажомни мижозларга бериб, сўнг чойлашиб йўлга чиқамиз.

Катта бозорнинг шовқин-суронида бошимга тушган хасталик ҳасратларини унутган бўлсам керак, безгак хуружини анчадан кейин сездим. Кун ўтиб тутадиган безгакнинг муҳлати бугун эмас, эртага хуруж қилиши керак эди. Бунга уйдагиларнинг ҳам ишончи комил эди. Аммо чарчаганман. Ҳолсизлик безгакнинг шериги. Аъзойи баданимга ўт алангаси югургандек танам жизиллаб ёна бошлади. Чанқоқлик ошарди. Кўзларим қаршисида Обираҳматнинг зилол суви мен томон оқиб келаётгандек туюларди. Амаким шериклари билан пайдо бўлди. Улар иссиқ нон ва қовурилган балиқ олиб келишди. Ҳаммалари бир жойда тўпланишиб овқатга ўтиришди. Мени ҳам чақиришди. Кўнмадим. Амакимга қараб «сув» дедим. У мешкопни чақирди. Сопол косадаги сувни мириқиб ичдим. Ичганим сари яна ичгим келарди. Иситмам кўтарилганини амаким сезди чоғи:

— Қизорибсан — деди-ю, ўрнидан туриб, менга яқинлашди, кичкина қўллари билан пешонамни ҳовучлади. — Эҳ-ҳа, оқсоқол, ёнаяпсан-ку! — деди.

У мени қўйиб шерикларига яқинлашди: — бўлди қилинглар, кетамиз! — деди.

Иситмам кўтарилаверса онам худога, шафқатли пайғамбарлар ва чорёрларнинг номларини тилга олиб, мен учун илтижо қиларди. Дард зўраяверсагач, мен ҳам билиб-билмай у кишининг айтганларини такрорлайверардим. Буғдой тўла хуржун эшакка ортилди. Мен буғдойнинг боридан хурсанд. Отлар орқасидан эшагим илдам бораяпти. Отларнинг юклари оғир, улар секин йўл босарди. Кун оғиб қуёш уфққа томон оғарди. Отлар чангидан йўлнинг поёни кўринмасди. Чанқоқлик зўраярди. Осмон қорайиб, устимга қозон ёпилаётгандай эди. Ваҳимага тушаман, «амаки!» деб қўяман. Улардан «юравер, қамчинла!» деган овоз эшитилади. Асли ўзим ҳеч балодан қўрқмайман. Аммо негадир назаримда катта денгизлар кўринади. Эшагим билан ўша денгизга шўғиб кетаётгандай бўламан. Яна қайта «амаки!» дейман, улар «ҳайда, азамат!» деб эркалаб ҳам қўяди. Фақат отлар дупурига қараб интиламан. Анча йўл босгач, отлар баланд қўрғоннинг ҳашаматли дарвозаси олдига келиб тўхтади. Дарвоза секин очилди. Отлар кенг ҳовлига кириб кетди. Мен ҳам эргашдим. «Худога минг карра шукрки, шу ерда дам олар эканмиз!» деб қувондим. Ҳамма отларини боғлади. Аммо амаким кўринмайди. Отларга ортилган юклар ҳам йўқ. Қўрғоннинг у чеккасидан бу чеккасига югуриб юрган пакана одам дамба-дам эшикдан ташқарига қарарди. «Тез, тез!» деб бир-икки қистаб ҳам қўйди, сўнг менга яқинлашиб «туш!» деди. Эшакдан тушиб «амаким?» дедим. У «Амакинг уйда!» деб чироқ ёниб турган хонага ишора қилди. Унинг қўлидаги ҳассасига синчиклаб қарадим. Не кўз билан кўрайки, қўлидаги ҳасса эмас, милтиқ экан. Олазарак тўрт томонга қарайман. Хаёлимни йиғиб олгунча фурсат ўтмай ҳалиги одам «юр!» деб ўзи олдинга тушди.

Ўн етти бололли катта меҳмонхона. Бололлар ўймакорлик билан безалган ва мовий рангга бўялган. Хонанинг деворлари ганч билан шувалган. Иккита қирқинчи лампа хонани кундек ёритарди. Меҳмонхона лиқ тўла одам, аммо амакимни кўрмайман. Мени пастдан эшик олдига ўтқизишди. Ер остидан ўтирганларга қарайман. Ҳаммасининг ёнида бешотар милтиқ. Кифтларидан беллари томон ўтказилган тасмали ғилофда милтиқ ўқлари зич терилган. Чироқ шуъласида ўқлар қизариб мавжланади. Тўрда мўйловли киши ўз ҳукмини ўтказарди. У йўғон гавдасини тез-тез қимирлатар, тиззаси устида шалпайиб ётган чўп ғилофдаги Маузер тўппончасини олиб осмон томон кўтарар, тишларини ғижирлатар, большевиклар деб кимларнидир сўкарди ва ваҳимали тусдаги бир одамга айланиб, бўлаётган бўронга гўё бир ўзи қарши тургандек мағрур эди. Йигитлари бош эгиб унинг гапларини тасдиқлашарди. Бек гапининг охирида: — Сўфи, — деди ўтирганлардан бирига қараб, — бу сенинг ишинг, болани қаердан етакладинг, — дея мени кўрсатди.

— Бу бола катта кўчада якка юрибди, ўзи бизга эргашиб келди, — деди Сўфи.

Мен амакиларимдан ажралиб қолиб, бегоналар тўдасига эргашганимни энди билдим. Мени қўрқув босди. Отам, баъзида тенгдошларим босмачи деган гуруҳлар ҳақида гапиришарди. Отамнинг бўласи Мажид Муродов Очилбекнинг қўмондон бошлиғи бўлгани ҳақида отам мақтаниб гапирарди. Улар паҳлавон кишилар, довюрак йигитлар болшивойларнинг адабини бериб қўядиганлар, деб мақтарди.

Ёзин-қишин бошидан қора фурашкасини канда қилмаган ўқитувчимизни ҳамма болшавой дейишарди. Ўша ўқитувчимиз босмачилар ҳақида жуда кўп қўрқинчли сўзлар айтарди. Болалар унга ишонарди. Ҳозир ўша ўқитувчим айтганлари бошимдан нари кетмасди. Бир-икки эшик томон қайрилиб қарадим. Қора кўрмадим.

Бек гапириб бўлгач, муғбача май тарқатишга киришди. Бир қўлида нимкоса, бир қўлида сатил бекка яқинлашиб, биринчи косани унга узатди. Навбат менга келганида унамадим. «Ол, ич!» деб қўй қилди муғбача. Қўрқувдан нимкосани муғбача қўлидан олиб, индамай шимирдим. Чанқаб ўлаёзган эдим, кўзим мошдай очилди. Бир лаҳзадан сўнг бошим хумдай оғирлашди. Қорнимда бир бало югургандек кўнглим беҳузур бўлди. Қорним оғриб, қусгим келди. Бекка қараб «қорним», дедим.

— Эргаш, чиқор буни! — деди ёнида ўтирганлардан бирига бек.

Қўрғон чеккасида шох-шабба билан ўралган ҳожатхонани кўрсатди у ва ўзи қайта меҳмонхонага кириб кетди. Ҳожатга ўтириб қўрғонга назар солдим. Бир амаллаб қочиш йўлини изладим. Тўрт томони баланд девор. Ўтирган ўрнимда бир дам ҳайронликда қолдим. Бундай баланд қўрғондан асло ошиб ўтмаганман. Хаёлга чўмиб нажот ахтардим. Сиёб бўйларида мол боққанимда ундаги баланд жарликлардан сирғаниб тушганман. «Қўрғон деворидан сирғаниб тушса бўлади» деган хаёл миямга келди. Дарҳол ўрнимдан туриб ўзимни эплаб олдим. Соқчи менинг қаршимдаги деворнинг учига чиқиб, теваракка назар сола бошлади. Вақтни ғанимат билдим-да, менга яқин турган нарвонга қараб югурдим. Бор кучим билан юқори томон интиламан. Аммо негадир нарвоннинг зинапоялари борган сари кўпаяди. Илигим сусайиб оёқларим титрайди. Оллоҳга ялинаман. Эпчил соқчиниг кўзи менга тушди. У кўп ўйламай ўзини ерга отди ва мен томон югурди. Охири зинапояга етай деб қолганман. Аммо соқчи мендан устун чиқди. Югуриб келганича нарвонга тармашди ва бор кучи билан уни пастга қараб тортди. Нарвон билан бирга чархпалак бўлиб, ерга келиб урилдим. Дод солиб сакраб ўрнимдан турдим. Қўрқа-писа теваракка қарайман. Онамдан бўлак ҳеч кимни кўрмайман.

— Қўрқма, болам, мен, ме...е...е...н шу ердаман! — деб қон йиғларди раҳматли онам.

Муҳсин ҲУСАИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Самарқанд районидаги 56-тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитувчиси.

(Муаллиф илтимосига кўра қалам ҳақи рўзнома ҳисоб рақамига ўтказилади).

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-471. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди. 20.00. Тираж 44761.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12